

...Ахборот майдонини сифатли ва рақобатдош миллий контент билан тўлдириш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бораётгани барчамиз учун аён ҳақиқатдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
30-aprel
chorshanba
№ 17 (1444)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ azhurriyat.uz ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

ТАҲЛИЛ

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР: ЗАМОНАВИЙ ҚУЛАЙЛИКМИ ЁКИ ХАВФЛИ ҚУРОЛ?

Бугунги кунда дунё миқёсида ҳар кун миллиардлаб инсон ижтимоий тармоқларга мурожаат қилмоқда. Жаҳонда, мамлакатимизда, қолаверса, ён-атрофимизда содир бўлаётган сўнги янгиликлардан бохабар бўлиш, ўзимизни қизиқтирадиган ҳар қандай қўшимча маълумотни сониялар ичида қидириб топиш, исталган маълумотни тез ва осон харид қилиш – буларнинг барчаси эндиликда интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайдиган кундалик ҳаётимизнинг мазмунига айланди.

Бир қарашда ижтимоий тармоқлар инсон учун беқийс қулайликлар эшигини очди. Массофадан туриб дарс олиш, тиббий хизматларга навбатсиз ёзилиш, ҳатто бозорга чиқмасдан кундалик эҳтиёжларини сотиб олиш... Кўринишидан, ижтимоий тармоқлар одамзод ҳаётини мисли қўрилмаган даражада енгиллаштирди. Аммо ҳар қандай технологик тараққиёт

сингари, бу соҳада ҳам иккинчи тараф бор, яъни оддий инсон учун хавфли, хатарли тарафи ҳам мавжуд.

ЁШЛАР ВА ОДДИЙ ФОЙДАЛАНУВИЧИ – АСОСИЙ НИШОНДА

Ўзбекистондаги интернет фойдаланувчиларининг энг катта қисми – бу ёшлар, яъни ўқувчилар ва талабалардир. Улар жуда кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказишади. Бошқаларга қараганда маълумотларни кўпроқ ҳажмда "истеъмо" қилишади. Мутахассисларнинг фикрича, айнан мана шу тоифа "интернет фитнесси"нинг энг осон нишонларидан бирга айланмоқда.

Ижтимоий тармоқлар орқали тарқалётган зарарли ахборотлар, жумладан, иқтисодий ва молиявий фирибгарлик, диний экстремизм ва сиёсий манипуляциялар оддий фойдаланувчилар учун жиддий хавф тугдирмоқда. Мутахассислар таъкидлашича, ёшлар ва ахборотга танқидий ёндашиш кўникмалари етарли бўл-

маган шахслар бу каби таҳдидларга нисбатан кўпроқ осонликча таъсирланади.

Ўзини "... банк ходими" деб таништириб, одамлардан шахсий маълумотларни сўраётган фирибгарлар, сохта хабарлар орқали адаштирувчи фейк аккаунтлар, ваҳимали ахборотлар билан одамларни руҳий босимга олаётган кимсалар – буларнинг барчаси ижтимоий тармоқлар орқали тарқалмоқда. Энг хавфлиси эса – ёшлар орасида диний ва сиёсий экстремистик гояларнинг тарқалиши, уларни ғаразли гуруҳлар томонидан "мафкуравий қурол" сифатида ишлатишга уринишларидир.

МАСАЛАГА ЖАҲОН МИҚЁСИДА ЁНДАШУВ: НИМАЛАР ҚИЛИНМОҚДА?

Бир қанча ривожланган давлатларда бу масалага стратегик даражада ёндашилмоқда. Масалан:

▼ Финляндияда ҳар бир мактаб ўқувчиси ахборот манбаларини таҳлил қилишни ўрганади. Улар ахборот қанча-

лик ишончли эканини мустақил баҳолай олади. Ушбу мамлакат медиасаводхонлики миллий таълим тизимига муваффақиятли интеграция қилган давлатлардан бири ҳисобланади. 2019 йили қабул қилинган "Media Literacy in Finland" сиёсати мувофиқ, медиа таълим мактабгача таълимдан бошлаб барча даражалардаги таълим дастурларига киритилган. Бу орқали талабалар ахборот манбаларини таҳлил қилиш, фейк янгиликларни аниқлаш ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш имконига эга бўлмоқда.

▼ Германияда "Ижтимоий тармоқларда нафратга қарши кураш" қонуни қабул қилинган бўлиб, уни бузган платформаларга жуда катта жарима солинади. 2017 йили қабул қилинган "Network Enforcement Act" (NetzDG) қонуни ижтимоий тармоқларда нафрат нутқи ва сохта янгиликларга қарши курашишни мақсад қилган.

4-6.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ИСТЕЪДОДЛИ МУҲАРРИР ҚУТЛУҒ ЁШДА

Шу кунларда болаларнинг севимли нашри – "Тонг юлдузи" газетаси бош муҳаррири, истеъдодли журналист Феруза Одилова ўзининг 60 ёшини қарши олди. Шу муносабат билан газета таҳририятига Ўзбекистон Журналистлар уюشمаси масъуллари ташриф буюриб, Ф.Одиловани таваллуд топган кун билан қутлади.



Уюшма раиси в.б. Холмурод Салимов давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 27 июндаги "Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида устоз журналистларни, ўзининг юбилей ёшини қарши олаётган медиа соҳа вакилларини ҳар жиҳатдан рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаётганини таъкидлади.

Қайд этилганидек, Феруза Одилова Уюшма қошидаги Журналист аёллар кенгашига ҳам раҳбарлик қилиб, Уюшма иши ривожига, шунингдек, болалар ва ўсмирларнинг маънавиятини бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш, иқтидор устозларнинг юбилей юзага чиқариш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, улар қалбига она юртва садоқат туйғулларини шакллантириш каби кўпдан-кўп эзгу ишларга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган қалам соҳибаларидандир.

Фидойи журналист, болажонларнинг севимли адибаси Феруза Одиловага Ўзбекистон Журналистлар уюشمаси совға-саломлари топширилди.

3-6.

ЮЗМА-ЮЗ

"Юксалиш" умуммиллий ҳаракати раиси –
Бобур БЕКМУРОДОВ:

“МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПИШГА КЎМАКЛАШИШ – АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ”

Ислохотлар ривожланиш сари ташланган қадамдир. Улар негизда халқ манфаатлари ва ҳимоясини таъминлашдек устувор вазифалар илгари сурилади. Ушбу хайрли ишларни амалга оширишда бир қатор ташкилотлар асосий ижрочи, кўмакдош ҳисобланади. Булардан бири 2019 йилдан бери Ўзбекистонда фаолият юритиб келган "Юксалиш" умуммиллий ҳаракатидир. Бугун биз ушбу ҳаракатнинг фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида ташкилот раиси Бобур БЕКМУРОДОВ билан суҳбатлашдик.

— "Юксалиш" умуммиллий ҳаракатининг нима иш билан шуғулланишини ҳамма ҳам билмавермайдди. Барча учун мухтасар тарзда ушбу ҳаракат фаолияти ҳақида тушунча бериб ўтсангиз. Шунингдек, кейинги пайтларда сизлар амалга оширган ишлар ҳақида ҳам қисқача сўзлаб берсангиз.

— "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати ўз номи билан жамиятни юксалтириш, давлат органларини ислохотларда қўллаб-қувватлаш, прогрессив юксалиш гояларини жамиятимизга, мамлакатимизга олиб келишда хизмат қиладиган таш-

килот десак бўлади. Бизнинг фаолият йўналишларимиз ҳам "Юксалиш" номи билан бево-сита боғлиқ.

Ҳаракатнинг фаолиятига тўхталсак, биринчи навбатда мамлакатимиз раҳбарининг олиб бораётган кенг қўламли ислохотларига жамоатчиликини, одамларни жалб қилиш, унинг асл моҳиятини тушунтириш, давлатнинг стратегияси доирасида келгусида эришмоқчи бўлган мақсадлари ҳақида халқимизга ахборот бериш бизнинг асосий вазифаларимиздан ҳисобланади.

Одамлар билан мулоқот қилиш, жамоатчиликка батафсил



ахборот бериш, ислохотларнинг очиклиги ва шаффофлиги — бу янгилик десак ҳам бўлади. Биламизки, бундан биров илгари давлатимизда ёпиқлик сиёсати мавжуд эди. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга раҳбар бўлиб келганларидан сўнг очиклик та-моийиллари ҳамма жаҳада жорий этила бошлади. Шундан сўнг давлат учун ўзининг сўзини жамоатчиликка етказишга институтлар, майдонлар керак бўлди. Бунда "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати майдон сифатида фаолият олиб бормоқда.

2-6.

ШЕЪРИЯТ

Ватан Сендан айрилгани йўқ



Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

АЁЛ

Бу аёл бировни севмаган ҳали,
Шунчаки кимгадир беришган эрга.
Шунчаки фарзандлар кўрган... Шунчаки,
Ўзга бир нафасни ҳис этган шеърда.

Шунчаки сахарда отланган ишга,
Шунчаки йиллаган, шунчаки кулган.
Шунчаки қоришиб кетган турмушга,
Шунчаки деворга бошини урган.

"Яшаш шу, ўйлаган аёл, яшаш шу –
Дунё яралгандир шундай, яралган..."
... Не учун бу одам сочмоқда ёғду,
Нечун сўзларидан оташ таралган?

7-6.



КЎПКАРИ — КЎПНИНГ ДУОСИ

"...Ота-боболаримиз айтишларича, "кўпкари" сўзининг маъноси кўпнинг дуосини олишдир. Айтишларича, ғурурли, забардаст, ориятли йигитлар фарзандли бўлишлари учун кўпкарида полвонларнинг, ёши улуг қатнашчиларнинг дуосини олишга ҳаракат қилишган..."

5-6.



БИЗ ҚАЧОН КИТОБГА ДЎСТ БЎЛАМИЗ?

Қачонки болалар ўз нашрларини мутолаа қилса, оилаларда эса газета-журналларни ўқиш маънавий эҳтиёжга, анъанага айланса...

4-6.

“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати раиси –
Бобур БЕКМУРОДОВ:

“МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПИШГА КЎМАКЛАШИШ – АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ”

1-6

Бизда жамоатчилик назо-
рати ҳам мавжуд ва у жой-
ларда ислохотларнинг қан-
дай йўсинда бораётгани ва
уларга халқнинг муносабати қандайлигини ўр-
ганади, Президент топшириқлари ҳудудларда
амалдорлар томонидан тўғри бажарилаётга-
нини ҳам назорат қилади.

Ҳар ойда республика миқёсида камида
2-3 та тадқиқот ва мониторинглар ўтказамиз.
Халқимизни қийнаётган масалалар, ичимлик
суви муаммолари, йўллар, мактаблар, тиб-
биёт муассасаларининг қурилиши ва фаолият-
тидаги қонун ижролари қандай бажарилаётга-
нини доимий ўрганиб борамиз. Натижаларни
Президент Администрациясига, Олий Мажлис,
Вазирлар Маҳкамасига танқидий шаклда кири-
тиб турамиз.

Шунингдек, биз “Ақл маркази” сифатида
ҳам фаолият юритамиз. Жамиятни қийнаёт-
ган турли муаммоларни давлат ва жамиятнинг
кун тартибига олиб чиқамиз, яъни маълум бир
муаммони чуқур ўрганиб, шу асосда мақбул
бўлган ечимларни тегишли ташкилотларга бе-
раммиз.

Шу билан бирга, жамоат ташкилоти сифа-
тида хайрия ишларини ҳам олиб борамиз.
Масалан, икки йил аввал “Ҳаёт улашиб” ак-
циясини бошлаган эдик. Бунда 10 та ҳудудда
қудуқлар қазиб ва одамларга сув етказиш иш-
ларини олиб бордик. Бунда табдиркорлар, ҳо-
мийлар кўмак бўлишди. Биласизми, бизнинг
ўзбек халқимиз жуда ҳам кўнгли очик, саҳий
эл. Биз шундай фикрга келдикки, Ўзбекистонда
мавжуд сув билан боғлиқ муаммоларни бартар-
аф этсак, сув иншоотларини курсак, халқим-
изга сув етказиб берсак, уларнинг оғирини
енгил қилган бўламиз, деган ниятда ушбу ло-
йиҳани эълон қилган эдик. Яна бир лойиҳамиз
— “Биз донормиз” акцияси бўлиб, 2 йилдан
буён ўтказиб келинмоқда. Биз Республика қон
қуйиш маркази ва бошқа ҳамкорлар билан бир-
галикда ушбу акцияни эълон қилгандик. Йилда
уч-тўрт марта ўтказилади. Биринчи йилда 500
литр қон йиғилган эди. Айни пайтда эса “Яшил
макон” номли умуммиллий лойиҳани олиб бор-
моқдамиз.

— **Маълумки, юртимизда таълим-тар-
бияга жуда катта эътибор қаратил-
моқда. Хусусан, ўрта мактаблардаги таъ-
лим-тарбия сифатини ошириш юзасидан
кенг кўламли ислохотлар олиб борилаё-**



**тир. Бу борада “Юксалиш”нинг ўрни ва ва-
зифалари қандай бўляпти?**

— Биз одамларни қийнаётган барча соҳа-
ларда уларга кўмак беришга ҳаракат қиламиз.
Шунингдек, таълимда ҳам. Бизнинг таълим бо-
расидаги энг муҳим вазифамиз — “Таълим тўғ-
рисида”ги қонун ижросини таъминлашга ҳисса
қўиш. Умуман, таълим доирасидаги жамии
қонунлар ижро этилиши шарт ва зарур. Ма-
салан, жойларда педагогларга оид қонунлар
яхши ишламайди. Мажбурий меҳнат ёки “Опен
бюджет” дастурларига ўқитувчилар жалб қили-
ниши ҳолатлари кузатилмоқдами-йўқми, биз
буни назорат қилиб борамиз. Олинган натижа-
ларни юқори ташкилотларга етказиб тура-
миз. Ёки бирор капитал таъмирланиши керак бўл-
ган мактаб вақтида фойдаланишга топширил-
маса, норозиликларга сабаб бўлади. Биз буни
аниқлаб борамиз.

Таълим бу — узоқ вақт инвестиция қилина-
диган ва натижаси ҳам узоқ вақтда билинадиган
соҳалардан бири. Биз педагогларнинг мав-
жени ошириш, турмуш шароитини яхшилаш,
янги мактаблар қуришга эътибор беришимиз
керак.

— **Жуда катта кўламда иш олиб бори-
лар экан-ку. Бу фақат ҳисобот кўрини-
шида бўлмаса, яхши. Яна бир мулоҳаза:
қанча баланд иншоотлар қурмайлик, қанча
йўлларни равон қилмайлик, асосий куч
одамларнинг илм олишида бўлиб қолаве-
ради. Сизнингча, бугун ёшларнинг неча
фоизи китоб ўқийди? Бу борада ҳам силар
томонингиздан бирорта ўрганиш олиб
борилганими? Газета-журналлар мут-
лааси бўйича-чи?**

— Жамиятнинг неча фоизи китоб ўқиши
давлатнинг маданий, илмий салоҳиятини ифо-
далайди. Ривожланган мамлакатларда китоб
ўқиш фоизи ривожланаётган давлатларга нисба-
тан юқори бўлади. Жамиятимизда “Китоб
ўқиб ким бўлар эдинг?” каби қарашлар ҳам
бор. Лекин китоб ўқиш орқалигина биз дунёқа-
раши кенг, кадриятлари мустаҳкам бўлган жа-
миятни ярата оламиз. Китоб ўқиш орқалигина
жамиятда толерантлик, тўғри йўлни танлай би-
лиш, ҳалоллик каби қадриятлар шаклланади.
Очик айтиш керак, бизда китоб ўқиш даражаси
мақтангулик эмас. Аммо қарашлар ўзгармоқда.
Юртбошимизнинг китоб ўқиш бўйича танлов-

лар, мусобақалар ўтказилишини эълон қил-
ганликлари муҳим қадам бўлди. Китоб ўқиган
ёшларга автомобиль берилаётганлиги ижобий
тенденциялардан биридир. Бугунги жадал та-
раққиёт китоб ўқиган одам жамиятда ўз ўрнини
топишини исботламоқда. Китоб инсоннинг ҳар
бир соҳада етук ва керакли кадр бўлишида му-
ҳим манба.

Энди газета-журналларга тўхталсак. Дунёда
газеталардан чуқурроқ илмий билим олишга
интилган одамлар фойдаланади. Масалан,
“Washington Post” жиддийроқ мавзуларни топиш
учун ўқишса, янгилар учун улардан фойда-
ланмайсиз, ижтимоий тармоқлардан топасиз.
Ҳозирда нафақат босма нашрларни, балки тез-
кор хабарлар учун интернет нашрларни ҳам
ўқиб бориш керак. Ҳозирда газета ва журнал-
лар ҳам рақамлашмоқда. Масалан, бирор ма-
қолани сайтдан пулга сотиб олиб ўқиш мумкин.
Замонга мослашиш керак. Биздаги нашрлар
ҳам тезроқ рақамлашган тизимга ўтиши керак.

— **“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати-
нинг ўзи қайси нашрларга обуна бўлган?**

— Биз ўзимиз ҳар ойда обуна кўринишида
бўлмаса ҳам, марказий нашрлар билан тани-
шиб борамиз. Ўзбекистонда газета-журнал-
ларнинг ривожланиши тарафдоримиз.

— **Демак, ташкилот бирорта газетага
обуна бўлиб ўқиб бормас экан-да?**

— Обуна бўлганмиз, лекин кўп эмас. Айта-
миз (ёрдмачисини кўрсатиб), сизга маълумот
беришадди. (Раҳбар ёрдмачиси ҳам елка қисиб
қўйди, халос. Демак, тушунарли Г.И.)

— **Яқинда ижтимоий тармоқларда сиз-
нинг Россияда ишлаётган юртдошлари-
мизни камситиш ҳолатларига жиддий му-
носабатингиз эълон қилинган эди. Буни
олқишлаймиз. Ҳақиқатан ҳам, меҳнат му-
ҳожирларига бўлган таҳқирловчи муно-
сабатларга жим қараб туриш керак эмас.
Бизнинг юртда эса аксинча, бундай нарсалар
мутлақо учрамайди. Сизнингча, бун-
дай икки хил муносабатга сабаб нимада?**

— Маълумки, Ўзбекистон Россия билан ит-
тифоқчилик, мустаҳкам дўстлик муносабатла-
рини ўрнатган. Биз учун бу давлат ҳам анъа-
навий, ҳам манфаатли ҳамкор. Буни ҳеч ким
инкор қила олмайди. Турли давлатларда таш-
килотлар, амалдорларнинг хориждан келган
мигрантларга муносабатлари ёмон эканли-
гининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Хусусан, Россия
давлат идоралари бу борада иш фаолиятини

қайта кўриб чиқиши керак. Ватандошларимиз
ҳалол меҳнати билан пул топяпти ва уларга
нисбатан инсоний муносабат кўрсатиш те-
гишли давлатларнинг юридик мажбурияти
ҳамдир. Ўзбекистон эса бу борада дунёга на-
муна бўла олади. Юртимизга келган сайёҳлар,
меҳмонлар ва ишчиларга доим яхши муноса-
батда бўлинади. Яқинда Россиядан жуда кўп-
лаб ишчилар келди. Биз уларни “релакант” деб
атаймиз. Улар турли соҳаларда ишлашмоқда.
Бизнинг жамиятимизда уларга нисбатан сал-
бий қарашлар йўқ. Рус маданиятини ҳурмат
қиламиз. Мамлакатимизда юздан ошқ бошқа
миллатлар билан, неча асрларки, бирга яшаб
келамиз. Ўзбекистон бағрикенглик борасида
дунёга ўрнак бўла олади.

— **Ташкилотнинг келгуси катта режа-
лари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— “Юксалиш” ҳаракати келгуси йилда ҳам
ўз фаолиятини жадаллаштириб, янги вазифа-
ларни амалга оширишни режалаштирмоқда.
2024 йил 26 августда қабул қилинган Прези-
дент фармонида кўра, эндиликда ҳар йили жа-
моат кенгашлари фаолияти самарадорлиги
баҳоланади. Ушбу тадқиқотлар натижалари
“Юксалиш” ҳаракатининг расмий манбаларида
эълон қилинади.

Шунингдек, “Ўзбекистон-2030” стратегия-
сини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқти-
содиёт йили”да амалга ошириш бўйича Дав-
лат дастури лойиҳаси юзасидан республика
бўйлаб 20 та жамоатчилик муҳокамаси, дав-
лат дастурида белгиланган вазифаларнинг бо-
риши ҳамда жамиятда долзарб бўлиб турган
мавзуларда Олий Мажлис Сенати билан ҳам-
корликда жамоатчилик эшитувлари, 8 та мав-
зули жамоатчилик мониторинги ўтказиш кўзда
тутилган.

Ўзбекистонда ижтимоий табдиркорликни
ривожлантириш ва ижтимоий табдиркорларга
кўмаклашиш мақсадида 25 та ижтимоий таб-
биркорлик лойиҳасини амалга ошираётган
табдиркорларга мутахассисларни жалб қилган
ҳолда тренинглар ўтиш, “Ҳаёт улаш” акцияси
доирасида 2 та вилоятнинг чекка ҳудудларида
аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш учун
қудуқлар қазиб, республика бўйлаб 2000 дан
зид аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш
кабилар ҳам режалаштирилган.

Сухбатдош:
Гули ИКРОМ қизи.

✓ МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ФОЙДАЛИ, ҚУЛАЙ ИЛОВАЛАР

Улардан фойдаланиш эса мутлақо текин!

Аҳолининг ижтимоий ҳаётини яхшилаш,
янги иш ўринларини яратиш, аҳоли
даромадларини ошириш, молиявий
барқарорликка эришиш, жаҳон меҳнат
бозорида етакчи ўринга чиқиш бугунги
кунда юртимиз иқтисодиётининг энг муҳим
вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу
борада, айниқса, республикада фаолият
олиб бораётган банкларнинг, молия
ташкилотларининг ўрни аҳамиятлидир.
Улардан бири — ҳозирда ўзининг
янги хизматлари ва лойиҳалари билан
юртимизда барқарор ўринни эгаллаб
келаётган “Бизнесни ривожлантириш
банки” АТБ ҳисобланади.

Жорий йилнинг 23 апрель куни пойтахти-
миздаги “Ренессанс” кино уйида ушбу банк то-
монидан “Менинг бизнесим” ва “Менинг буюрт-
мам” лойиҳалари тақдироти тантанали тарзда
ўтказилди. Унда банк бошқаруви раҳбарияти,
ҳамкор ташкилотлар масъуллари, жамоатчи-
лик вакиллари ва оммавий ахборот восита-
лари ходимлари иштирок этди.

Банк мутасаддиларига кўра, давлатимиз
раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган
ва 2020 йил 12 майда қабул қилинган “2020-
2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Рес-
публикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш
стратегияси” банк тизимидаги туб ўзгаришларга
дастуриламал бўлмоқда. Бу, айниқса, аҳолига
“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ томони-
дан таклиф этилаётган банк хизматларининг
қулайлиги ва оммабоплиги, замон талабларига
мослиги, хусусан, рақамли ва онлайн хизмат-
лар кўлами ошиб бораётганида яққол акс эт-
моқда.

Тақдим қилинаётган “Менинг бизнесим”
ҳамда “Менинг буюртмам” иловалари турли
касб эгалларини, ишсиз, лекин кўлида ҳунари
бор юртдошларимизни иш билан таъминлашга
ёрдам бериши билан бир қаторда, турли маи-
ший ёки ижтимоий соҳада ўз ташкилоти учун
ишончли, вақтинчалик ёки доимий ишчи из-

лаётган фуқароларга фойдали бўлиши шубҳа-
сиз.

“Менинг бизнесим” — бу ўзини ўзи банд қил-
ган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун яра-
тилган ноёб ва ўзига хос рақамли платформа-
дир.

Ушбу мобиль иловада: табдиркорлик фао-
лиятини расман бошлаш учун ўзини ўзи банд
қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиш, рас-
мий даромадга эга бўлмаган, ўз касбининг ус-
таси бўлган фуқароларга табдиркорлик фао-
лиятини бошлаш ёки ривожлантириш учун кре-
дитлар олиш, табдиркорлик фаолияти, яъни
бўёқчи, электрик, тикувчи, уста, сантехник ва
бошқа шу каби ўз хизматларини аҳолига он-
лайн тарзда таклиф этиш, меҳнат стажини рас-
ман юритиш орқали келажақда ижтимоий на-
фақаларга эга бўлиш каби муҳим имкониятлар
яратилди.

“Менинг буюртмам” лойиҳаси ҳам ҳар бир
юртдошимиз учун қулайликлар яратиши би-

лан алоҳида аҳамиятга эга ва бу илова мижоз-
лар ҳамда ўзини ўзи банд қилган хизмат кўр-
сатувчилар ўртасидаги қулай рақамли воси-
тачи бўла олади. Фойдаланувчи шахс “Менинг
буюртмам” иловаси орқали эндиликда ҳар қан-
дай хизмат кўрсатувчиларни, усталарни тез ва
осон топиш имкониятига, ўз локацияларини
кўрсатган ҳолда белгиланган нарх асосида
идентификациядан ўтган усталарни жалб қи-
лишга, илгари фойдаланган истеъмолчилар
томонидан қолдирилган изоҳлар таҳлили асо-
сида усталарни танлашга, жалб қилинаётган
усталарнинг рейтингини таҳлил қилиш имко-
ниятларига эга бўлади.

Тақдимотда банк масъуллари ва лойиҳа
ташкилотчилари сўзга чиқиб, лойиҳани ишга
тушириш йўл-йўриқлари ва унинг қулайлик-
лари юзасидан маълумот беришди.

“Бугун бу ерда банкимиз томонидан яратил-
ган икки лойиҳа — “Менинг бизнесим” ҳамда
“Менинг буюртмам” номли мобиль иловалар-



нинг тақдироти бўлиб ўтди. Ушбу иловалар юр-
тимиздаги барча ўзини ўзи банд қилган аҳоли
вакиллари, ҳокимлик органлари, иқтисодий
соҳа вакиллари ўзига жалб қила олади, де-
ган фикрданам. Мобиль иловани ишлаб чи-
қишдан мақсад табдиркорликни бошламоқчи
бўлган шахсларга кўмаклашиш ва табдиркор-
лик фаолияти бардавом бўлишини таъмин-
лаш, ўз хизматларини онлайн тақдим этиш-
лари учун кўмак бериш ва шарт-шароит яра-
тиш ҳисобланади. Иловалардан фойдаланиш
мутлақо бепул. Фойдаланувчилар учун расмий
меҳнат дафтарчаси ҳам юритилади. Шунинг-
дек, иловаларда барча банк хизматларидан
фойдаланиш имкони бор. Бунда ҳеч қандай
мураккаблик йўқ ва ундан ҳар қандай ёшдаги
кишилар фойдаланиши мумкин. Келгусида
ушбу дастурлар халқимизга юқори савияда
ва самарали хизмат қилади, фойдаланувчи

учун зарур даражада манфаатли бўлади, де-
ган умиддамиз”, — деди “Бизнесни ривожлан-
тириш банки” АТБнинг Чакана бизнес департа-
менти бош директори Феруз Хўжаев.

Тақдимот маросимида спикерлар томони-
дан “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБнинг
истикболдаги режалари ва татбиқ этилиши
мўлжалланаётган янги инновацион лойиҳалар
ҳақида ҳам маълумот берилди.

Бугун ҳар жабҳада бўлгани каби, банк-
лар тизимида ҳам рақамлашган ва электрон-
лашган платформаларнинг яратилиши ҳамда
уларнинг аҳолига кенг миқёсда фойдаланиш
учун тақдим этилиши мамлакат иқтисодиёти
ривожига молия муассасалари ҳам алоҳида
ҳисса қўшаётганига бир мисолдир.

Ўз мухбиримиз.
Хизматлар лицензияланган.

“ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР” КЛУБИНИНГ МАШҒУЛОТИ

1-6

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасы Қорақалпоғистон бўлими қоида Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетини билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётган “Ёш журналистлар” клубининг навбатдаги машғулоти ўтказилди.



Унда ҳамкорликда амалга оширилаётган “Маҳорат мактаби” лойиҳаси доирасида чоп этилган “Ёш тадқиқотчи”

адабий-публицистик ва илмий мақолалар тўпламининг тақдимоти бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмасы Қорақалпоғистон бўлими раиси Даут Абибуллаев, “Ёш журналистлар” тўғраги раҳбари, филология фанлари номзоди, доцент Зияда Қожиқбаевалар сўзга чиқиб, “Маҳорат мактаби” лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Таъкидланганидек, учинчи йилдирки, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети Ўзбекистон Журналистлар уюшмасы Қорақалпоғистон бўлими билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Асосий мақсад “Ёш журналистлар клуби” доирасида талаба-ёшларни касбга йўналтириш ва ижодий тўпламлар чиқариш. Шу мақсадда ўтган йили “Ёш тадқиқотчи” адабий-публицистик ва илмий мақолалар тўплами нашр этилган эди. 2025 йилда ушбу лойиҳа асосида иккинчи тўплам нашрдан чиқди. Унда Қорақалпоқ давлат университетида турли мутахассисликларда таҳсил олаётган 24 нафар талабанинг ҳикоялари, шеърлари, публицистик ва илмий мақолалари қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилди.

ТЕЛЕЖУРНАЛИСТ АДИБ АСАРЛАРИ ТАҚДИМОТИ

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлар уюшмасы томонидан таниқли радиожурналист Тўлқин Ёркуловнинг “Шукрона” ва “Сизга омад ёр бўлсин!” номли китоблари тақдимоти ўтказилди.

Тақдимотни олиб борган Уюшма раиси в.б. Холмурод Салимов мамлакатимизда китобхонлик маданиятини юксалтириш ҳамда китоб тарғиботига алоҳида эътибор қаратиб келинаётганини таъкидлади.

Тақдимотда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмухаммад, устоз журналист Анвар Абдувалиев, Мудрофа вазирининг маслаҳатчиси Олимжон Ўсаров, “Менинг юртим” телеканали бошловчиси Юлдузхон Олимова сингари устоз ижодкорлар “Шукрона” ва “Сизга омад ёр бўлсин!” китоблари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тўлқин Ёркулов серкирра ижодкор. У ҳикоя ва публицистик асарлари би-



лан яхши танилган. Т.Ёркуловнинг қайси асарига кўз югуртирманг, башарият ҳаётидаги азалий кураш – яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги зиддият бўртби турари. “Тирилиш”, “Қалдирғоч – озодлик қуши”, “Виждон пулга сотилмайди” каби ҳикоялари, айниқса, қизиқиш билан ўқилади.

Шунингдек, Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлар уюшмасы томонидан журналист-ижодкор Обид Қўлдошнинг “Унутилган

ашула” китоби тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Унда устоз журналистлар, ижодкорлар, жамоатчилик вакиллари ва талабалар иштирок этди.

“2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарқиқёт стратегияси”да белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, “Китобсевар миллат” шиори остида ўтказилган ушбу тадбирда ёш ижодкор Обид Қўлдошнинг истеъдоди иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Негаки, йиллар давомида журналистика соҳасида ишлаб, қалами чархланиб, сўз сеҳрини илғалангани ижодкорнинг ушбу китобидagi ҳикояларидан сезилади.

Тақдимотни Ўзбекистон Журналистлар уюшмасы раиси вазифасини бажарувчи Холмурод Салимов олиб борди.

Тадбирда Амиркул Карим, Муҳаббат Юлдашева, Зикрилла Незмат сингари таниқли ижодкорлар Обид Қўлдошнинг янги китоби ҳақида илқ фикрлар билдириб, муаллифнинг ижодий фаолияти ва шахсий фазилатларини алоҳида эътироф этишди.

ИЖОДКОР 1000 ТА КИТОБ ТУҲФА ҚИЛДИ

“Сирдарёча тўй қиламиз”, “Сирдарёча кўниб ўтинг, дўстларим”, “Сирдарёнинг бўйларига уйларимиз” каби китоблар муаллифи, “Шухрат” медали соҳибаси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмасы Сирдарё вилоят бўлими мутахассиси Дилором Исмадиёрова китобхонлар ва адабиёт ихлосмандлари орасида кенг танилган ижодкорлардан ҳисобланади.



қувонасан киши. Таниқли ижодкор Дилором Исмадиёрованынг зиё масканимизга китоб билан кириб келгани уну-

тилмас воқеа бўлди. Фарзандларимиз қалбига зиё бахш этган китоблар тафакруни ҳам бойитади, – дейди вилоят болалар кутубхонаси директори Шоира Шукурова.

Дилором Исмадиёрова ҳаётида яна бир муҳим воқеа юз берди. Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабида ўтказилаётган “Зомин” ёш ижодкорлар семинари ҳудудий босқичи доирасида у Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасы аъзолигига қабул қилинди. Унга аъзолик гувоҳномасини Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир топширди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасы Аxbорот хизмати

АХВОЛ

Нуфусли олий таълим даргоҳининг биринчи босқич талабаларига ўтилган дарсларда кузатилган воқеалардан айрим лавҳалар:

Дарсни бошлаш учун аниқ белгиланган вақтда ўқув хонасига ўқитувчи кириб келди, унга эътибор қаратган айрим талабаларнинг “Хурмат, хурмат!” деган огоҳлантиришидан кейин жўровозликда “Ассалому алайкум” янгради. Аммо муаллимнинг “Ва алайкум ас-салом”и сонияларда бўлиниб, яна аввалги маромда давом этган гап-сўз, қулги, шатируштурларига кўмилиб кетди. Ўқитувчи китобдафтарларини столга қўйиб, ҳамма талабаларга кўринадиган ўрталиқда туриб яна бир марта “Ассалому алайкум!” деди. Лекин бу салом энди қай бирлари уч-тўртта бўлиб қизгин гаплашаётган, қайсилари устки кийимини шовилмай ечаётган, қай бири ҳалиям жой излаб юрган, бемалол телефонда гаплашаётган ёки шеригига телефондан ниманидир завқ билан кўрсатаётган... талабаларнинг богча болалариникига қараганда ҳар жиҳатдан анча салмоқли шовқинлари “тўлқинларига чўкди”.

– Дарс бошлаймиз, – деди ўқитувчи, овозини баландроқ қилиб яна такрорлади. – Дарс бошланди!

Унда-бунда устозни ва хонадаги қолатни хижолатчилик билан кузатиб турган ҳизларнинг ён-веридagi ҳамкурсларини туртиб, орқа-олдиларига аланглаб “Жим!” деб имо қилишларини ҳисобга олмаганда, аксарият толиби илмларнинг ҳали-бери дарсга диққатларини жамлаши, бирор янги илм ўрганишга ҳаётиёки уйғонмаслиги шундоқ кўриниб турарди.

– Уйда, ота-оналарнинг олдида ҳам шунақа ҳеч кимга эътибор бермай кўп гапирасизларми? – овозини кўтарди муаллим. – Менинг бу гапларимни иззатталаблик деб ўйламанг. Сизлар, бўлғуси ўқитувчилар бундай одоб қоидаларини яхши билишларинг, унга аввало ўзларинг амал қилишларинг керак. Уйларингга катта одам келса ҳам...

Бу гаплардан кимларнинг қарашу ҳолатларида ўзгариш бўлгандай, кимлар оғриниб қаради, яна кимлар парвоам қилмади. Шунга ўхшаш гаплар билан ўқитувчи хонада ўзининг вазифасини бажаришга озгина муҳит яратгандек бўлди. Аммо бошини пайсаятириб олишиб шивирлашаётганлар, телефонига очик-ойдин ёки кўз қири билан қараб ўтирганлар, оғзини беркитишнинг билмай эснаётганлар худди қаршиндagi катта экранда йирик плланларда акс



этаётган ўта жонли видеоасвирлар каби эди... Дарс учун ажратилган қимматли вақт ўтиб боради.

– Ҳали анча талаба келмабди, шекилли?..
– Устоз, менинг дугонама йўлда, ҳозир телефон қилди...
– Фалончиева...
– Ҳозир ётоқхонадан чиқяпти экан...
Шу пайт эшикдан қатор талабалар кўринишди:
– Мумкинми?
– Келинг, тез жойингизга ўтиринг. Бундан кейин кеч қолманг!
– Раҳмат, устоз, – деди кечикувчилардан бири, ўрнашиб олгунча йўл-йўлакай кимлар билан қўл бериб, кимлар билан ишора билан кўришди-саломлашди, ҳамманинг диққати уларда.

Муаллим давом этди:
– Бугунги янги дарсимиз жуда қизиқарли, аҳаиятли. Шунинг учун...
Эшикда яна талаба кўринди:
– Мумкинми?
– Нега кечикдингиз?
– Узоқдан келаман, йўллар пробка.
– Бу янгилик эмас, эртароқ чиқиб кетар. Киринг, тез-тез жойлашинг... – бу гапи турар-туғамас ташқаридан яна икки қиз тизилди:

– Мумкинми, устоз?

– Келинглар, келинглар, тезда ўтиринг! – муаллим соатига қараб, эшикни ёпиб қўйди.
– Дарс вақтидан қарийб йигирма дақиқа ўтиб борапти.

Ўқитувчи дарс мавзуини эълон қилиб, унга оид тайёрлаб келган слайдини доскага туширгач, катта хонанинг тўрт томонига диққат билан разм солди:
– Орқадагилар, гавдангизни кўтаринг... Сақич чайнамаймиз... Нима демоқчисиз?
– Рухсат бering, ташқарига чиқиб келай!
– Ҳозир ташқаридан келдик-ку! Нима ишингиз бор?
– Чиқиб келай! Уйдан телефон қилишяпти!
– Ҳозир дарс пайти-ку, уйингиздагилар билишмайди?
– Чиқиб келай! – талаба ўрнидан туриб юра бошлади.

– Утиринг, танаффус пайтида гаплашасиз! Диққатинг жамлаймиз, мана, кўриб турганингиздек, янги дарсимиз...
Эшик тақиллади, лаҳза ўтмай яна тақиллади, очилди:
– Мумкинми?
– Йўқ, мумкин эмас. Ярим соат кеч келдингиз. Қолаверса, бу учинчи марта кечикишингиз...

МУТОЛАА



ОФТОБГА ИНТИЛИБ ЯШАНГ

ёки инсонийликка муҳаббат, адолатга садоқат ҳақида китоб

У илк болалик чоғларидаёқ ажиб бир мўъжизани, сеҳрли оламни, содиқ дўстни ва тенгсиз хазинани китоб деб билди. Сўрасангиз, ўтган асрнинг 40-йиллари охири ва 50-йилларида чоп этилган ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари унинг кўнгил мулкидан қандай жой олганини мароқ билан сўзлайди. Абдулла Қаҳҳорнинг “Қўшчинор чироқлари”, Ойбекнинг “Олтин водийдан шабадалар”, Пиримқул Қодировнинг “Уч илди” романлари, Жанни Родари, Лев Толстой, Теодор Драйзер каби жаҳон адабиёти классикларининг асарлари...

— Тенгқурларим билан талашиб-тортишиб, худди мусобақа бойлашгандай китоб ўқишга шўнганмиз, – деди у. — Эсимда, кечалари шам ёруғида китобга мук тушардим. “Бўлди, ярим тун бўлди, ухла, шамни ўчир!” – деган даъватдан сўнг секин сирғилиб ташқарига чиқиб кетардим. Маъқул жой топиб олиб, ойнинг ёрқин шўла-сида китоб ўқирдим. Тонг оқарганини ҳам билмай қолардим.

Ўзбекистон Қаҳрамони, профессор Шукуржон Маматқуловнинг Тошкент давлат иқтисодиёт университетидаги “Тахририй нашриёт”ида чоп этилган “Ҳаёт йўллари ва ўйлар” китобининг ёзлиш тарихи ана шундай.

Шукуржон ака суҳбатларда “Китоб – офтоб, офтобга интилиб яшайлик” деб кўпчиликка далда бўлганида, нафақат кўкдаги қуёшни, ёруғлиқни, яхшиликни назарда тутадди, у айнан китобни ҳам нурга қиёслаётганини илғаймиз.

Икки мингдан зиёд талаба таҳсил олаётган Олтинқўл иқтисодиёт коллежида ижодий муҳит ҳам яратди. Йигит-қизлар орасидан истеъдодларни топди.

“Журналистдан чиққан ҳоким” дея ҳамкасблари орасида ном олган қадрдони Назиржон Саидовнинг (Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин) тавассиси билан шоира, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасы аъзоси Замира Рўзиевани коллежга “Маънавият асослари” фақидан муаллима қилиб ишга олдилар. Замира Рўзиева домлани иқтисодчи олим, ташкилотчи раҳбар, деб билар эди. Лекин у киши адабиёт, тарих, руҳият оламларининг ҳам билимдони экан. Ўзи ҳам шеърлар битар, лекин буни пинҳон тутарди.

Қадр қилдим,
кўрмага қадр қадрдонлардан,
Қадр кўрдим,
ҳеч кутмаган бегоналардан.

Ушбу халқона мисралар Шукуржон аканинг қаламига мансуб.

Бундан йигирма йил аввал фалсафий мулоҳазалар билан ҳаётий ҳақиқатлар уйғунлаштириб ёзилган асарни чоп этишни ният қилганди.

Гарчи у иқтисодчи олим бўлса-да, қай бир ёзувчи ҳақида гап кетса, унинг асарларини тилга олади. Шоирни эсласак, шеърларига таъриф беради. Коллежда адабий тўғарак ташкил қилди. Ҳаваскор қизлару йигитлар шеър, ҳикоя кўтариб келадиган бўлишди. Домла радиоюзел ташкил қилиб, коллеждаги ўқув хоналарига радиорепродуктор ўрнатиб берди. Ҳар куни маълум вақтда сўнгги янгиликлар, талабаларнинг ижод намуналари янграйдиган бўлди.

Бир куни шундай хушхабар янгради: “Домла Тошкентга бориб, Ўзбек Миллий драма театри санъаткорларини учрашувга таклиф қилиб келибди”.

Дарҳақиқат, кўп ўтмай жамоадагилар ўқув даргоҳи ҳовлисида, залларида, сахнасида, талабалар даврасида халқ артистлари Зикир Муҳаммадҷонов, Яйра Абдуллаева, Рихси Иброҳимова, Турғун Азизов, Толиб Каримов, Эркин Комилов, Ёдгор Саъдиев, Фатхулла Маъсудов, Ширин Азизова, Мадина Мухторова каби санъаткорларни кўрдилар, сўзларини эшитдилар.

Бу воқеа талабалар ҳаётида, Олтинқўл тумани аҳли ҳаётида ўчмас из қолдирган, деб бемалол айта оламиз. Улар коллежга яна уч марта учрашувга ташриф буюрдилар.

Илм масканида ўтказилган республика илмий-амалий анжуманлари, халқаро конференциялар, уларда қатнашган хориж, жумладан, Европа олимлари, мутахассисларининг ҳайрату ҳаваслари ҳам алоҳида мавзу. Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, адабиётшунос олим, академик Наим Каримов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, теурийларга оид кўплаб тарихий романлар муаллифи Муҳаммад Алининг талабалар, ўқитувчилар билан суҳбатлари ҳам бу китобда ёрқин саҳифаларга айланди.

Ҳаёт – оқар сувдек. Аммо эзгу амал-



ШАЁТ ЙЎЛЛАРИ
ВА ЎЙЛАРИ

лар ўлмайди, эсда қолади. Таълим масканига келган машҳур ижодкорлар, дўстларнинг кўпи бугун тирик эмас, вафот этиб кетишган бўлсалар-да, ушбу даргоҳда меҳнат қилаётган устозлар, таълим олган ёшларнинг ёдида бир умр сақланиб қолди.

Устоз Олтинқўл тумани, Андижон шаҳри ва вилоят Кенгашларининг бир неча чакирқ депутат. Айни пайтда ҳам вилоят Кенгаши депутати, фахрий сенатор сифатида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий жараёнларида фаол иштирок этаётгани ибратли.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, халқаро Бобур муқофоти совриндори, ёзувчи Қамчибек Кенжа китобга ёзган сўзбошисига “Инсонийликка муҳаббат, адолатга садоқат ифодаси” деб сарлавҳа қўйган.

— Инсонийликнинг, адолат ва ҳақиқат тамойилларининг чинакам фидойиси Шукуржон Маматқуловнинг ҳаёт фалсафаси битилган китобини ўқиб чиқинг, – деб ёзади у. — Дунё кўзингизга бошқача кўришиб кетади. Шукуржон аканинг ўзи бир дунё. Китобдаги йўллар ва ўйлар ундан томчилар, холос.

Зеро, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Шукуржон Маматқулов ҳамон сафда, сизу биз билан бирга!

**Ғолибжон АБДУЛЛАЕВ,
Зилолатна РАҲМОНОВА,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасынинг аъзолари.**

лик” тўғрисида қатъий писанда қилганлар ҳам топилади.

Назаримизда, Шерзодхон Қудратхўжа ҳақ. “Қуш уясида кўрганини қилади” деган гап бежиз айтилмаган. Биринчи навбатда тарбия, одоб-ахлоқ, имон, эътиқод сингари фазилатлар оилада шаклланади. Богча ҳам, мактаб ҳам, олий таълим маскани ҳам оилада Худо урган бўлса, ҳеч нарсга қила олмайди.

Энди юқоридаги ҳолатларга қайтамиз. Олий таълим даргоҳининг биринчи курс талабалари, асосан, мактабни янги битирганлар ва ўқишга икки-уч йил ҳаракат билан кирган ёшлар бўлади. Демак, улар 18–20 ёшлардаги камолга етган(!) ва яна эътиборли томони, юзлаб рақобатчини билими билан енгиб талаба бўлган йигит ва қизлар. Улар ўзи ва ўзгаларни ҳурмат қилишни, вақт ва билимнинг қадрини, жамоат орасида ўзини қандай тутишни билиши шарт! Зеро, ҳамма замонларда аксарият талабалар айни мана шу ҳаётий моҳияту аҳамиятларни теран англаганлар қатламидан саналганлар. Бундай англаш даражасига кўтарилиш жараёни, аввало, оилада ота-она тарбиясидан: уларнинг тушунтиришлари, ибратлари, жиддий шугулланишлари, тақдорлашлари, талаб қилишлари, рағбатлантиришлари, зарур ўринларда огоҳлантиришу танбех беришларидан бошланади, тақомиллашиб боради. Чунки оиладагина шу ишларни амалга ошириш учун вақт, макон, маънавий муҳит етарли бўлиши мумкин. Қолаверса, айни тарбиянинг ширин мевалари биринчи навбатда оилада “етилади”, биринчи навбатда оила аъзоларини баҳраманд этади. “Бахт оиладан бошланади”, оилаларнинг томчи-томчи бахтлари йиғилиб халқ бахту саодати даражасини белгилайди.

Шу нуқта назардан қарайдиган бўлсак, мақола аввалида баён этилган ҳолатларнинг сабабларини оқибатлари ҳақида жамиятимизнинг барча аъзолари жиддий ўйлаб кўришимиз, фарзандларимиз феъл-у атвори, хатти-ҳаракати, атрофдагиларга муносабати, вақтдан нималарни “кешиб” олаётгани призмасида ота-оналик масъулиятига қандай ёндашаётганимизни таҳлил этиб хулосалар чиқаришимиз энг долзарб масалалардан бири эмасми? Шахсий мулоҳазалар шахсий-да! Келинг, биргалашиб ўйлаб, ҳолис фикрларимизни ўртага ташлаб, кейинги қадамларимиз ҳақида ўйлаб кўрайлик.

**Мухтарама УЛУҒОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР:

ЗАМОНАВИЙ ҚУЛАЙЛИКМИ
ЁКИ ХАВФЛИ ҚУРОЛ?

1-6

Ушбу қонунга мувофиқ, ижтимоий тармоқлар 24 соат ичида "очиқдан-очиқ ноқонуний" контентни ўчириши шарт, акс ҳолда, 50 миллион еврогача жаримага тортилиши мумкин. Бу чоралар ижтимоий тармоқлардаги зарарли контентни камайтиришга қаратилган.

▼ Японияда ҳатто кичик ёшдаюқ интернет хавфсизлиги асослари ўргатилади — бу ўқув дастурига киритилган. Энг қизиғи, мактаб дарсларига ўқувчи телефон билан қўйилмайди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАМ БУ МАСАЛАГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Юртимизда ҳам аҳолининг медиа ва ахборот саводхонлигини ривожлантириш бўйича қатор пойхалар амалга оширилмоқда. Мисол учун, кенг аҳоли қатламларининг медиасаводхонлигини ошириш мақсадида 2024 йили илк бор умуммиллий ахборот кампанияси муваффақиятли ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги шафелигида "Янги медиа таълим маркази" нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ўтказилган ахборот кампанияси доирасида қатор университетлар профессор-ўқитувчилари, талабалари, миллий ва маҳаллий ОАВ вакиллари, етакчи блогерлар ва инфлюенсерлар, ҳатто таниқли тиббиёт ходимлари фаол иштирок этиб, дезинформация ва фейк янгиликларнинг олдини олиш ҳақидаги медиа тадбирларда, давра суҳбатларида қатнашдилар.

Шунингдек, бошқа қатор ташаббуслар ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан, 2025 йил 3 март кунин ОНЕСКО томонидан ташкил этилган кўп томонлама семинарда ҳукумат, универ-

ситетлар, ОАВ ва фуқаролик жамияти вакиллари иштирок этди. Тадбирда ахборотни танқидий баҳолаш ва фейк контентни аниқлаш кўникмаларини ривожлантириш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Ижтимоий тармоқлардаги зарарли ахборотларга қарши курашиш фақатгина давлат органлари ёки тегишли ташкилотларнинг вазифаси эмас. Бу жараёнда таълим муассасалари, ОАВ, фуқаролик жамияти ва ҳар бир фойдаланувчининг фаол иштироки муҳим аҳамиятга эга. Ахборотга танқидий ёндашиш, манбаларни текшириш ва медиа саводхонлигини ошириш орқали жамиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш мумкин.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ҲАМКОРЛИК

2025 йил 17-18 апрель кунлари Қозоғистоннинг Каскелен шаҳридаги SDU университетида "Ўзгараётган дунёда Марказий Осиё: агентлик, ҳуқуқий муаммолар ва ОАВ манзараси" номли халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Унда дунёнинг турли минтақаларидан келган етакчи олимлар ва экспертларнинг маърузалари тингланди, ҳар бир пленар ва трек сессияларидан кейин кўтарилган битта мавзу атрофида илмий баҳс-мунозаралар, тортишувлар бўлди.

Анжуман дастурига мувофиқ, биз ҳам "Дезинформацияга қарши курашда нодавлат ташкилотларнинг роли: Ўзбекистон тажрибаси" мавзусида маъруза қилдик. Ҳамкасбаримизни бу борада қизиқтирган саволлар, хусусан, аҳолининг медиа ва ахборот саводхонлигини ошириш, бу борада мамлакатимизда эришилаёт-

ган натижалар ҳақида атрофлича маълумот бердик.

Маърузачилардан яна бири Германиядаги Висмар амалий фанлар университетининг профессори, ҳуқуқшунос, доктор Ханс-Ёахим Шрамминг чиқиши бизда жуда катта қизиқиш уйғотди ва уни танаффус пайтида суҳбатга тортидик:

— Ҳозирги тақдиротингиздан маълум бўлдики, Европа Иттифоқида интернет ва ижтимоий тармоқлар фаолиятини тартибга соловчи жуда кўп қонунлар қабул қилинган экан. Уларнинг орасида 2016 йилги "Умумий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги низоми (General Data Protection Regulation)дан бошлаб, то 2024 йили қабул қилинган "Сунъий интеллект қонуни" (AI Act) каби ҳужжатларгача бор. Айтинг-чи, айнан мана шу қонунларнинг қабул қилиниши Европа мамлакатларида қайсидир маънода оддий фуқароларнинг сўз эркинлигини бироз кеклаб ёки умуман бўғиб қўймайтимиз?

— Бизда ҳақиқатан ҳам бу каби қонунлар, бошқа давлатларга нисбатан, хусусан, АҚШга қараганда анча кўп. Америкада ижтимоий тармоқлар сабаб бир жиддий ҳолат содир бўлса, масалан, бирон-бир экстремистнинг ёзишмалари аниқланган бўлса, кейин у билан жиддий шугулланишни бошлашади. Биз эса бу каби салбий натижани келтириб чиқарувчи сабабни аниқлаш ва имкон қадар унинг олдини олишга кўпроқ эътибор қаратамиз.

Мен маърузамда санаб ўтган қонунлар асосан Европа Иттифоқининг Брюсселдаги бошқарув органлари томонидан қабул қилинган. Ақсариёти тавсиявий характерга эга. Яъни ҳужжатларнинг реал ҳаётга татбиқ этилиши, яъни унинг ростдан ҳам ишлаши ЕИГА аъзо

мамлакатларнинг ўзигагина боғлиқ.

Бу борада асосий регуляторлик, бошқарув вазифасини ҳар бир давлатнинг ўзи мустақил тарзда бўйнига олади. Албатта, гигант медиа компаниялар ҳам жавобгарликдан мустасно эмас.

— Олим сифатида фикрингиз қизиқ, ҳозирги пайтда ижтимоий тармоқлардан фойдаланаётган Европа фуқаросининг шахсий ахборот хавфсизлиги даражасини қандай баҳолайсиз? Хусусан, уларнинг ижтимоий тармоқ воситасида ахборот олиш, фойдаланиш ва тарқатиш ҳуқуқлари ҳақидаги сизнинг шахсий баҳоингиз жуда муҳим. Масалан, бу борадаги бугунги реал ҳолатни 1 дан 10 гача неча баҳо билан баҳолаган бўлардингиз?

— Афсуски, бу масалага аниқ баҳо қўйламан. Ҳар ҳолда у ижобий эмас. Бу борада қилинадиган ишларимиз ҳали жуда кўп. Масалан, 2024 йили қабул қилинган "Сунъий интеллект қонуни"нинг 5-моддасида одамларни манипуляция қилиш муаммоси, ижтимоий баҳолаш, башоратли таҳлил қилиш, идентификациялаш дастуридан фойдаланиш мақсадида сунъий интеллект тизими, ҳар бир ҳолатда ижро этиш соҳасидаги истиснолар ҳақида аниқ ёзиб қўйилган. Бироқ уларнинг ҳаётда тўғри ижро этилаётгани ҳозирча баҳсли масала бўлиб қолмоқда.

БУ БОРАДА ЯНА НИМАЛАР ҚИЛИШ ЗАРУР?

Ижтимоий тармоқларнинг хавфига қарши курашиш — фақатгина ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органларнинг иши бўлиб қолмаслиги керак. Бу — бутун жамият масъулиятидаги масалалар. Айниқса, таълим тизими, ОАВ ва фуқаролик жамияти бу жараёнда фаол иштирок этиши керак.

Қуйида бир неча таклифларни келтириш мумкин:

биринчидан, медиасаводхонлик бўйича дарсларни жорий этиш — мактаб ва коллежларда "Ахборот хавфсизлиги" ёки "Медиа таҳлил" фанини киритиш ва буни амалий дарслар билан бойитиш;

ичкинчидан, ўқитувчи ва ота-оналар учун тренинглар — болаларни интернет хавфларидан ҳимоя қилишга қаратилган маълумотларни етказиш, мулоқот маданиятини шакллантириш;

учинчидан, фуқаролик жамиятининг иштироки — нодавлат ташкилотлар орқали ижтимоий тармоқлардаги ёлғон ва зарарли ахборотларга қарши ахборот кампанияларини ўтказиш;

тўртинчидан, қонунчиликни кучайтириш — Интернетдаги иқтисодий фирибгарлик ва мафкуравий таҳдидларга қарши самарали юридик механизмларни, оддий ижтимоий тармоқ фойдаланувчисининг ҳимоясини таъминловчи қонунчиликни ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш.

Албатта, ижтимоий тармоқлар — бу қулайлик. Лекин унинг ортида турган хатарлардан хабардор бўлмасак, ҳар қандай фойдаланувчи, айниқса, ёшлар — ўзини ҳимоя қилиш имконидан маҳрумликка қолаверадилар. Ҳимоянинг энг кучли воситаси эса — билимдир. Ахборотга танқидий қараш, уни текшириш, таҳлил қилиш — бу бизнинг янги ахборотлашган дунёдаги асосий қуролимиз бўлмоғи шарт.

Беруний А.ЛИМОВ,

"Янги медиа таълим маркази"

нодавлат нотижорат ташкилоти директори, филология фанлари доктори, доцент

ОҚИБАТ

Пойтахти азимнинг Қорасув даҳасидаги "Файзиобод" маҳалласида 3-умумтаълим мактабининг 1992 йилги битирувчилари бўлган синфдош йигитлар ўзларининг эҳтиёжманд синфдошига ҳашар йўли билан уй қуриб беришди. Дунёда "синфдош" деган мақом бор. Унинг инсонга қадрдонлик даражаси кишининг қариндош-уруғларига, дўсту ёронларига даражасига тенг бўлади, балки бир қадар юқори ҳам турар.

СИНФДОШЛАР СИНФДОШИГА
УЙ ҚУРИБ БЕРДИ

Ахир ҳаётда болалик кезларидоқ бир-бирини таниб, дўстлашиб, мактабда ўн йиллар бирга ўқийдиган, мактабни битирганидан кейин ҳам қадрдонлик ришасини узмайдиган яна ким бор?

Синфдош-синфдошга ўзининг болалиги тимсоли, кўз очиб қўрган дўсти, сирдоши, тақдирдоши мақомидан азияз инсон. Аммо ҳар бир кишининг қон-қардошлиги, дўсту ёронлари ўртасидаги муносабатларида улар ўртасидаги меҳр-оқибатга боғлиқлик томонлари ҳам бор, албатта. Шундан келиб чиққан ҳолда ўзаро муносабатлар даражасидаги қуюқлик ва суоқликлар ҳам ҳам рўёбга чиқади.

Ўрта Чирчиқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг 1992 йилги битирувчилари бўлган синфдош йигитлар ўз меҳр-оқибатлари билан бу мақомни оқладиларгина эмас, ўзларининг эзгу ишлари билан синфдошлик мақомини янада оддий даражага кўтардилар, десак, бор ҳақиқатни баралла айтган бўламыз. Ахир улар ўзларининг Умра сафарини учун йиғиб юрган маблағларини бошпанга муҳтож бўлиб қолган синфдошлари учун уй қуриб беришга сарфладилар. Барчаси биргалашиб, қисқа фурсат ичида синфдошга аталган уйни барпо этдилар ҳам.

— Мактабни битирганимизга бу йил 33 йил бўлади, — деди синфдошлари ҳақида тўқиниланиб гапирар экан, Қодир Қомиллов. — Мактабда 10 йил бирга ўқиб, қадрдон бўлиб кетган бўлсак, мана, 23 йилдирки, яна биргамиз. Эндигида синфдошлик ришталаримиз қон-қардошлик, дўсту биродарлик мақомларидан ҳам юксалиб кетган, десам, асло хато эмас.

— Тўю маъракаларимиз бир-биримизсиз ўтмагани каби, саёҳату зиёратларимиз ҳам сиз синфдошлар билан биргаликда бўлади, — дея Қодирқоннинг гапини давом эттирадиган синфдошлардан яна бири Фарҳод Расулов. — Аввалроқ Россия Федерацияси ва ҳатто Грузия томонларга ҳам саёҳатга бориб келган эдик.

Ҳа, оқибатли синфдошлар кейинги йилларда зиёратга отландилар ва дастлаб тўрт нафари, ўтган йили эса ўн нафар синфдош Умра сафарига — зиёратга бориб келишибди.

Бу йил ҳам муборак зиёратга барча синфдошлар жам бўлиб, боришга отланиб турганларида, бир эзгу фикр тўғилиб қолди: "Умра зиёрати учун йиғайтган мана шу маблағларимизни эҳтиёжманд бўлиб қолган Музаффар дўстимизга уй қуриб берсак, қандай бўлар экан? Бу ҳам ахир савоб, қолаверса, ҳам мурувват бўлмайdimи?"

Мир Алишер Навоий бобомиз ёзганидек:

**Ким бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай,
Онча борки, Катъа вайрон бўлса, обод айлағай.**

Авалло, қариндоши Жамол Ботиров ўзига тегишли 8 сотих ер участкасининг тенг ярмини Музаффарга ҳада этди. Рамазон ойи киришидан сеп аввалроқ ўша жойда қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Меҳр-оқибатли синфдошлар ёпирилиб, 2 кунда янги уй пойдеворида бетон қуйишди. Кейинги 15 кунда 4 хонали шинам уйнинг девори тикланди. Тез орада уйнинг томи кўтарилиб, шифер ёпилди.

Янги уйнинг мавжуд 4 та хонасидан биттаси сувоқ қилиниб, Музаффарлар оиласи унга қўчиб киришди.

— Бу уйни менга синфдошларим ҳиммати билан Аллоҳ берди, — деди Музаффар Ботиров шукроналик билан.

Унинг руҳий ҳолатидан жуда кўп нарсани англаса бўларди, хусусан, бошпанга эҳтиёжмандликка сабаб бўлган машаққатлар бўлганлигига шубҳа йўқ.

Эзгу ишга қорасувилик тадбиркор Давронбек Отақулов ҳам ўз ҳиссасини қўшган ҳолда ҳашар билан битаётган хонадонга 5 000 дона бетон гишт ҳада этибди. Иш қизғин, ким лой тайёрлаётган, кимдир гишт ва лой ташийтган, яна кимдир эса девор кўтармоқда. Нарироқда қозон қайнаб, ош тайёрланаётган экан. Хуллас, аҳил синфдошлар шу бугуннинг ўзида ҳовли деворини ҳам битириб кетишга ҳаракат қилишаётган экан.

Инсофу диёнатли, меҳр-оқибатли синфдош дўстлар амалга ошираётган эзгу ишлар, муқаддас Умра зиёратини қолдириб, муҳтож дўстларига беминнат уй-жой қилиб бераётган бу саховатли инсонлар даврасидан бир олам таассуротлар билан қайтдик.

Маъмурият Б.ОЗОРА.ПШЕВ.

МУШОҲАДА

БИЗ ҚАЧОН КИТОБГА
ДЎСТ БЎЛАМИЗ?

Қачонки болалар ўз наشرларини мутлола қилса, оилаларда эса газета-журналларни ўқиш маънавий эҳтиёжга, анъанага айланса...

Китоб ва китобхонлик аҳамияти хусусида оммавий ахборот воситаларида кўп гапирилади, мунтазам баҳс-мунозаралар олиб борилади, китоб мутлоасига даъватлар баланд янграйди. Китоб тарғиботи бўйича турли чора-тадбирлар кўриломоқда. Яқинда, аниқроғи, 21-27 апрель кунлари мамлакатимиз узра "Ўзбекистон — китобхонлар юрти" шiori остида V Республика "Китобхонлик ҳафталиги" ўтказилди. Ҳафталик доирасида бир қанча хайрли маърифий тадбирлар амалга оширилди, минглаб китоблар ёшларга тақдим этилди ва ҳоказо.

Давлатимиз раҳбарининг "Китоб махсуслотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарорлари ушбу масала давлат сиёсати даражасида долзарб эканлигини далиллади. Яна бир муҳим ҳужжат Президентимизнинг 2023 йил 28 ноябрь кунин қабул қилинган "Ёшлар учун минг китоб" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридир. Бу қарор ёшларнинг интеллектуал ва илмий салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи яна бир муҳим қадам бўлди. Мана бир неча йилдирки, "Ёш китобхон" мусобақаси доврғи халқимиз, ёшлар орасида энг сеvimли танловлардан бирига айланди. Танловда биринчи ўринни эгаллаган голибларга Президент совғаси — автомобил республика босқичи якунида энг билимдон ёшлар аниқланди. Президент совғаси — "BYD Chazor" электромобили ва пул мукофотлари ўз эгаларига топирилди. Бу танловга монанд тадбирлар ҳамма мамлакатларда ҳам ўтказилмайдими.

Ҳа, китоб башариятнинг энг яхши кашфиёти. Аждодларимиздан виқорли сарой-қалъалар, тошдаги битиклар, Шашмаком тароналари-ю озғани дostonлардан ташқари, бизга китоблар олами мерос қолди. Дарҳақиқат, атоқли адиб Антон Чехов айтганидек, "Китоблар қаршида жамки нарсалар нурсиз бўлиб туолади". Китобга нисбатан ин-

соннинг энг яқин дўсти, тафаккур қаноти, китоб бу — одфто, ақл қайроғи, билим сарчашмаси каби сўзларни айтишга ўрганиб қолганмиз. Мавлоно Жомий китобга шундай ташбех берган:

*Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда,
Ғамхўрине бўлай у ғамин замонда.
У билан қол танҳо, ҳеч бермас озор,
Жонингиз юз роҳат беради тақдор.*

Бу ҳикматли сатрларга шак-шубҳа йўқ. Китоб шарофати ила дунё узра машҳур бўлган буюк сиймолар қадимий юртимиздан кўп чиққан. Қўхна заманимизда Илк Ренессанс, Иккинчи Ренессанс ҳам китоб, билимнинг қудрати туфайли юз берган. Шу боисдан Президентимиз Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон шариоитида Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ҳақида сўз юритганда китоб ва китобхонлиқнинг аҳамияти, натижадорлигига алоҳида урғу беради.

Аммо, таассуфлар бўлсинки, республикада китоб савдоси, тарғиботи ҳолати ҳамда аксар хонадонларда китобга бўлган муносабатлар таҳлилдан келиб чиқадиган ҳулоасамиз шулки, биз ҳали китобхонлар мамлакатига айланмишмиз учун кўп заҳмат чекишимизга тўғри келади.

Бунинг учун кўп омилларга эътибор беришимиз зарур.

Келинг, яхшиси, Финляндия китобхонлик маданиятига бир назар соламыз. Аҳолиси 2023 йил ҳолатида 5 584 миллион нафарни ташкил этган ушбу мамлакатда бир йилда қарийб 10 миллион дона болалар китоби сотиларкан. Болалар ва ўсмирлар учун чоп этилган китоблар миқдори катталар адабиётдан бир неча баробар кўп. Муҳими, китобларнинг аксариёти илк нашр ҳисобланади. Ота-оналар фарзандларини кичик ёшдан китоб ўқишга ошқ қиладилар, дунёга эндигина келган болага оиласига маҳаллий кутубхонадан гузал, жозибали иллюстрацияга эга китоблар тўппами, шунингдек, "Мен китобхон боламан!" футболкаси армуғон этилади. Маълумотларга қараганда, 70 фоиздан кўп ота-оналар ўз фарзандлари билан овоз чиқариб китоб ўқиркан. Юқорида айтганимиздек, ҳар йили ушбу кичкина мамлакатда қарийб 10 миллион ақда болалар китоби сотилади. Болалар ёзувчи ва шоирлари учун давлат томонидан грантлар ажратилади, турли хил танловлар эълон қилинади. Энг қизиғи, бу борада рассомлар иши биринчи ўринда туради. Халқ озғани ижоди, эр-

таклардан, замон фан ва технологияси янгиликларидан бохабар ва фантазияга бой рассомлар томонидан аввал бўлажак китоб учун суратлар яратилади, ундан кейин ёзувчилар расмларга қараб ўз матнларини ёзади. Дунё болалар адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган Маури Куннас ҳам суратларга қараб, миясида тафаккур ҳосил бўлганини, сўнгра асарлар ёзганини эътироф этган. Фин халқининг қаҳрамонлари ҳаёти, эртаклари болалар адабиётининг рангин оламининг асосий қисмини, "мағзи"ни ташкил этаркан. Сўнги пайларда интернетнинг таъсири туфайли, болалар адабиётига эътибор бироз сусайганини инобатга олиб, фин адиблари болаларни китобхонликка фаолроқ жалбу жазм этиш мақсадида болалар ҳажви (юмор)га катта эътибор беришаётган экан. Китобларнинг полиграфик сифати, ранг ва қозғоши ҳам фин шоирлари учун биринчи ўринда туради.

Ўйлашмича, бизда болалар адабиёти тарғиботига эътибор юксак даражада эмас. Бу борада алоҳида тизим шакллантирилса, фақат миллиятимиз маърифати йўлида жуда фойдалли тизим бўларди. Қани энди, Туркия мамлакатидигидек, бизда ҳам аънавий болалар китоблари ва нашрлари ярмаркаси ташкил этилса, айнаи мундоо бўларди. Тўғриси, нашр этилаётган китоблар сифати билан ҳам ўзимизни мақтай олмаимиз.

Журналистика факультетларига ҳужжат топишган абитуриентлар билан ўтказилган ижодий суҳбатлар жараёнидан шу хулосага келдикки, кечагина мактаб партасидан туриб, журналист бўлиш ниятида бўлган ёшларимизнинг кўпчилиги мактабда таҳсил олаётган қоғларига бирор-бир болалар нашрини кўрмаган, номини ҳам билмайдими ва табиийки, уларни ўқимаган, журналистикага бўлган "завқлари" эса ижтимоий тармоқлар таъсири остида шаклланган. Мана шу ҳам ёшларимизнинг матбуотга бўлган муносабатига оид оддий индикатор, курсаткичи!

Ҳолбуки, аҳолида, айниқса, болалар ва ўсмирларда китоб мутлоасига завқ ва ҳавас уйғотишни, назаримизда, энг аввало, бошланғич синфлардан бошлаб, уларни болалар нашрлари билан ошно қилишдан бошлаш керак. Буни бугун журналистика ва адабий ижод борасида улкан ютуқларни қўлга киритган, элимизнинг фахрига айланган ўнлаб машҳур журналист ва ёзувчи-шоирларимиз таржимаи ҳоли, ибратли ҳаёти, ижод лабораториясидан билса бўлади. Уларнинг ҳар бири адабиётга бўлган завқни, энг аввало,

оолалар учун газета ва журналлардан олганликларини, илк ижод намуналарини ҳам айнан шу нашрлар имтиҳонидан ўтказиб, кейин адабиётнинг катта йўлига қадам ташлаганликларини фахр билан эслайдилар.

Афсуски, сўнги йилларда китобхонлик маданияти хусусида сўз юритганда, болалар нашрларини тилга олмаимиз, китобхонлик айнан болалар ва ўсмирлар нашрларининг мутлоасидан бошланиши кераклигини унутиб қўямиз. Биз ушбу мақоламизни "Китобга қачон дўст бўламыз?" саволи билан бежиз бошламадик.

Ўзимнинг ҳаётда тажрибамдан англаганим, болалгимда буюк адибларнинг асарларининг мутлоасига ўтишдан олдин, болалар нашрларида уларнинг кичик-кичик ҳикоялари, лавҳаларини ўқишдан бошлаганмиз. Зеро партамызда, синфимиз деворларида, кутубхоналар стопларига биринчи болалар ва ўсмирлар жозибаси бор газета ва журналларни кўрар эдик. Оиламызда камида 5 та газета ё журнал, уларнинг орасида камида икки та журнал, уларнинг орасида камида икки та журнал ва ўсмирлар нашрлари почта орқали кириб келарди. Ўқитувчи, синф раҳбарлари дарсни болалар нашрларида эълон қилинган ҳикоя ва ибратомўз мақолалар, шеърларнинг ҳозирги тилда айтганда, "анонс-рекламаси"дан бошлашарди.

Бугун-чи? Бугун хонадонларимизни қўйиб туринг, айрим мактабларимизга болалар газети ва журналларининг ҳаттоки бир нусхаси ҳам етиб бормаётганини ахши биламиз. Бу жуда аччиқ ҳақиқат! Бу ҳолатнинг оқибатида 38 миллион нафарга яқин аҳолиси бор, шу нуфуснинг аксариётини ёшлар ташкил этадиган мамлакатимизда болалар газета ва журналлари: "Тонг юлдузи", "Ғунча", "Классик", "Гулхан" нашрларининг тиражи бугунги кунда 5 минг нусха атрофида чоп этилади. Бу рақам, бу курсаткидан болалар нашрлари, адабиёт кавровини билиб олиш, англаш қийин эмас! Ишонинг, бугун ўз газета ва журналлини ўқимаган болалар эртага катта нашрлар, машҳур ва атоқли адибларимизнинг асарларини ўқишга мойиллиқ, кайфият ҳосил қиламиз.

Хулосавий савол: биз қачон китобга дўст бўламыз? Қачонки болаларимиз ўз нашрлари мутлоасини одатга, оиламызда эса анъаналар айлантирасак, албатта китобхон миллатга айланамиз!

Шоҳахбор СА.ПИМОВ,

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.



ҚАДРИЯТ

Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келган француз журналист билан дўстим Жононбек сабабли танишиб қолдим. Меҳмон суҳбат жараёнида урф-одат ва қадриятларимизга дахлдор халқ ўйинлари ҳақида сўраб қолди. Мен журналист йигитга асрлар давомида давом этиб келаётган улоқ-кўпкари ўйини ҳақида гапириб бердим.

“Минг эшитгандан бир кўрган яхши”, дедим-у, эртаси куни меҳмонни, Кўшработ туманидаги Қирқовул қишлоғидаги Ислон Каримов номидаги майдонга олиб бордим. Хорижлик журналистни уйдагиларим, қавм-қариндошларим ҳамда отларим билан таништирдим.

Бу жараёнда меҳмонда кўпкари ўйинига, чавандозлар маҳоратига, отларга бўлган қизиқиш янада ортганига гувоҳ бўлдим.



КЎПКАРИ — КЎПНИНГ ДУОСИ

Кўпкарида “Дилхирож”, “Пантерра”, “Шитон”, “Месси” лақабли отларда Эркин акам, Низом акам ва Жалол полвонлар бир неча мартадан жаловга (совринга) ташладилар.

Кўпкари тугагач, онажонимни қўриб, дуоларини олиб кетиш учун меҳмонни тугилган уйимга тақлиф этдим.

Кечаси билан ака-укаларим, қўни-қўшнилари фақат кўпкари ҳақида гурунглашиб, гаплашиб чиқдик.

Эртаси куни Садаф онамнинг оталари, 1926 йилда туғилган пиру бадавлат Сайди бобо Ўсаров ва 1931 йилда туғилган Зиёда энамларни қўриш ва дуоларини олиб кетиш учун меҳмонни уларникига бошладим. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлган, гапларини ҳаётий мақоллар билан безайдиган, дунё кўрган бамаъни оқсоқол Сайди отам билан фаранг журналисти бирпасда тил топишиб кетди. Уларнинг суҳбати қизигандан-қизиди.

Хорижлик журналист йигит кўпкарига азбаройи қизикиб қолганидан, кўпрок отлар, чавандозлар ҳақида сўрар, бу сўзнинг асл маъносини, ўйин неча асрлардан бери давом этиб келаётганлигини эринмасдан суриштирарди.

Ота-боболаримиз айтишларича, “кўпкари” сўзининг маъноси кўпнинг дуосини олишдир. Айтишларича, ғурури, забардаст, ориятли йигитлар фарзандли бўлишлари учун кўпкарида полвонларнинг, ёши улуг қатнашчиларнинг дуосини олишга ҳаракат қилишган. “Чавандозларнинг ўзлари атай баковулга учрашиб: “Менга кўпнинг дуосини олиб беринг, Аллоҳим кўчордек ўғил берса, келаси йили шу майдонда катта кўпкари бераман”, деб ният қиларкан. Шунинг учун элимизда Наврўз байрамлари, суннат тўйларида катта-катта улоқ-кўпкарилар бериш ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келмоқда”, деди Сайди бобо.

Эътиборли томони шундаки, чавандоз бўлиш учун мунтазам спорт билан шуғулланиш, ичиши ва чекиш каби ёмон иллатлардан узоқ юриш талаб қилинади. Ўзим ёшлигимдан отга қизикаман. Отам Ўмир бобо таниқли чавандоз полвон ўтган. Акам Эркин ҳам моҳир чавандоз.

Шу ўринда отамнинг амаки укаси Исмат полвон ҳақида тўхталмасам бўлмайди. Раҳматли камтарин, камсўқум, танти ва ҳазилкаш инсон бўлган. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистонларга бориб кўпкари чопган. У пайтлари мактаб ўқувчиси эдим, мени жуда яхши кўрар, “Жавлон, сен зўр полвон бўласан, Худо хоҳласа, ўзим тарбиялайман”, дерди. Исмат полвоннинг вафоти нафақат қавм-қариндошлар, у кишини яхши билладиган полвонлар отбозлар учун ҳам катта йўқотиш бўлди. Халқимизда от ўрнини той босар, деган мақол бор. Исмат полвоннинг ўғиллари Низом ва Жалол полвонлар республикамизда таниқли забардаст полвонлардан бўлиб етишдилар.

Болалигимдан кўпкарига ҳақида қизикардим, кичикроқ гаштак-тўйларда от чопиб юардим. 1994 йили мактабни битирдим. Ўша пайтлари кўпкарилар кмайиб, отларга бўлган талаб қисқариб кетди нимагадир. Хуллас, Эркин акам бир ёшга тўлган тойимизни сотиб, пулига бир халта ун олди. Ўша унни ешакка ортиб, уйга олиб келганим ёдимда.

Ҳа, ун кам топиладиган, қиммат неъматга айланган даврлар эди. Тасаввур қилинг, бугун бир яшар той камиди 7-8 миллион сўмга баҳоланади...

Пойтахтга ўқишга келдим, университетни тугатиб, ишлаб ҳам юрдим. Бироқ отга бўлган меҳрим тобора кучайиб борарди. Шукрки, 2007 йилларга келиб, улоқ-кўпкари ва отларга бўлган эътибор яна кучайди. Бундан хурсанд эдим. Акам кўнгил орзуларимни сезар экан, шекилли, кутилмаганда менга “Шитон” лақабли от олиб берди. Бошим қамқа етди. Аста-секин кўпкари чопиш ҳадисини ола бошладим. Кейинчалик бир қанча отларни тарбиялаб, республика миқёсида кўпкариларда ҳам қатнашиб юришга муваффақ бўлдим.

Эл ичиди юриб, қанчадан-қанча чавандозлару отбозлардан дўст-биродарлар орттирдик. Баъзан улар билан қўноқлардаги суҳбатларимиз эр-

талабгача давом этди. Сўнг, пешин маҳал аста-секин кўпкари майдонига чиқиб келаверишимиз менга бошқача завқ, куч-қувват бағишлайди.

Пойтахтда яшасамда, кўпкари мавсуми бошланиши билан ҳар ҳафта дам олиш кунлари Самарқанд, Жиззах, Навоий, Бухоро, қўйингки, юртимизнинг барча вилоятларига бораман. Отга бўлган меҳримни сўз билан ифодалаб беролмайман... Ишқибозлигимни тушуниб, қўллаб-қувватлаётганликлари учун онам, ака-укаларимдан миннатдорман.

Баъзан болаларимнинг онаси: “Дадаси, шу кўпкарини, отларингизни бунча кўп яхши кўрасиз-а?” деб қолади. Шунда: “Сендан кўп яхши кўрмайман, лекин кам ҳам яхши кўрмайман”, деб ҳазиллашаман. “Қайдан билсин от қадрин, от минмаган эр-каклар” дея айтгучи таниқли ҳофизнинг қўшиғини эслатаман.

Бизнинг-ку, қонимизда чавандозлик ва полвонлик бордир. Аммо Европадан келган журналист йигитнинг кўпкарига бу даражада қизикиб қолиши мени жудаям ҳайратлантирди. Ўмир отам ёшлигидан отга жудаям қизикқан. Умуман, уруғимизда кўпкарига қизикмаган, кўпкари чопмагани йўқ. Бу ота-боболаримиздан бизга ўтиб келаётган устоз-шогирдлик анъанаси, урф-одат ва қадриятларимиздир.

Ўттиз йилдан ошибдики, пойтахтда яшайман. Бироқ ҳали-ҳамон қишлоғимизнинг самимий, бағри кенг одамлари кўз олдимдан кетмайди. Шунинг учун ўғил-қизларимни тез-тез қўйлоққа, тўймаърақаларга олиб боришга, оғайни-қариндошлар билан таништириб, урф-одатларимизни кўрсатиб келишга ҳаракат қиламан.

Отда шундай барака борки, буни сўз билан таърифлаш қийин. Ота-боболаримиз ҳар доим ҳовлида, яккамихда битта от сақлаган. От вафодорлиги ва эгасига содиқлиги билан ажралиб туради. Ошқозони йўқлиги, тўғри ақлиги сабабли от эртаю кеч беда-хашак, бир маҳал 4-5 килограмм арпа еб туриши шарт. Ем егандан сўнг камиди бир соат ўтгачина қишлоқ оралаб миниб келинади. От эрталаб ҳам минилади. Бадани қизигандан кейин аввалга 100-150 метрга югуртириб, кўпкарига тайёрланади.

Шукрки, бугунги кунда ҳам от чопадиган полвонларимизнинг ори ва ғурури сарбаланд. Ўртимизда улоқ-кўпкарига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Алоҳида федерация ташкил этилиб, кўпкарига миллий спорт ўйини сифатида йўл очиб берилмоқда. Республиканинг барча вилоятларида, айниқса, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент вилоятларида кўпкарига бўлган иштиёқ тобора ортиб бормоқда. Республика кўпкари федерациясининг вилоят кўпкари федерациялари бўлимлари томонидан тавсия қилинадиган энг зўр чабагонлар, полвонлар қўшни Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон Республикаларида ўтказиладиган мусобақаларга кўпкари, совринлари ўринларини эгаллаб келмоқдалар. Мисол тариқасида айтсак, яқиндагина қўшни Қозоғистон Республикасида Самарқанд вилояти кўпкари федерацияси бўлими томонидан тавсия этилган Беркин полвон ўғли Шерали полвон бориб, юқори ўринни эгаллаб келди.

Дарҳақиқат, бугун кўпкарига қизиқиш баланд. Буни бизнинг Кўшработ тумани мисолида кўрадик бўлсак, туманимиздаги Қирқовул қишлоғида Ислон Каримов номидаги, Жабути қишлоғида Қизил майдон, Қувқалла қишлоғида кетаверишда Сойбўйи кўпкари майдонлари ташкил қилинди. Улоқ-кўпкари бошловчиси, таниқли суҳандон Абдулла Алибеков эса машҳур Абдугани Баратовнинг шогирди. Қўшработда туман кўпкари федерацияси масъуллари ва оқсоқол полвонларимиз бошчилигида ўн минг-йигирма минглаб ашаддий мухлислар иштирокида мунтазам равишда улоқ-кўпкарилар кўтаринки кайфиятда ўтказиб келинмоқда.

Албатта, жўшқин миллий куй-қўшиқлар улоқ-кўпкари ўйинига ўзгача руҳ, қувонч бағишлайди. Бунга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримовнинг “Оқ тулпор” қўшиғи яхши мисол бўлади. Шунингдек, Ўзбекистонда

хизмат кўрсатган артист Ҳосила Раҳимованинг “Бос-бос, қамчи бос!”, “Шўҳрат” медали соҳиби Боймат Ҳасановнинг “Гирот минган Гўрўғли”, “Тулпорим”, таниқли эстрада хонандаси Алижон Исоқовнинг “Жийрон” қўшиқлари кўпкари мухлислари ва ишқибозларини тўлқинлантириб келмоқда.

Республикаимизнинг барча ҳудудларида ўтказиладиган ийрик кўпкарилар ёши улуг оқсоқоллар дуосидан кейин давлат мадҳияси билан бошланмоқда. Бу, албатта, фуқароларимизнинг маданияти ва Ватанимизга садоқатини оширади.

Ўзим санъатни яхши кўрганам ва санъаткорлар билан кўп ийиллар давомида “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси”да ҳамкорлик қилиб келганим учунми, чавандоз ва кўпкари полвонлари, от ҳақида қўшиқ яратган санъаткорлар, шоир ва бас-такорларимизга алоҳида миннатдорчилигимни билдираман. Бундай қўшиқлар урф-одат ва қадриятларимиз нақадар буюқлигини, устоз-шогирд анъаналарининг доимийлигини, халқ озаки ижодиётининг ибратли жиҳатларини қамраб олади.

Ҳамон ёдимда, 2015 йилларда “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси Тошкент вилояти бўлимаси раҳбари бўлиб ишлаб юрган даврларимда “Наврўз” умумхалқ байрами репетициясига чақирилган Тошпўлат ака билан анча гурунглашдик. Ҳофизга: “Оқ тулпор” қўшиғи яралиши ҳақида гапириб берсангиз, шу қўшиғинингизнинг ашаддий мухлисиман”, дедим. Тошпўлат ака камтарлик билан бир воқеани гапириб берди.

Бу қўшиқнинг менга ўхшаган ашаддий бир мухлиси Тошпўлат Маткаримовни тўйига тақлиф қилибди. Афсуски, куёв бола ногирон экан. Ҳофиз тўйини чиройли қилиб, файз бериб ўтказаяётса, куёв қайта-қайта “Оқ тулпор” қўшиғини илтимос қилаверибди. Вазиятни англаган санъаткор: “Бугун Фарғона тонг отгунча сизларнинг хизматингиздаман. Фақат битта илтимосим бор. Куёв бола, сизни бугунги бахтли кўнунгиз билан чин дилдан муборакбод этаман. Фақат биз бугунги хизматимиз учун сиздан бир сўм ҳам хизмат ҳақи олмаймиз. Сизнинг отга ва ҳаётингизга бўлган ишончингиз сўнмасин, ҳали отларни миниб улоқ-кўпкарилар чопиб, жамиятимизнинг намунали оиласи эгаси бўласиз”, дебди. Буни қарангки, шундай бўлибди ҳам. Мустаҳкам ирода ва шукроналик ҳислари жўш урган йигит ўғил-қизлар қўриб, бахтли оилалардан бири бўлибди, ҳофиз билан ака-ука киришиб, жон жигарлардай бўлиб кетишибди. Ҳа, элга ана шундай беминнат хизмат қиладиган санъаткорларимиз кўпайсин.

Яна бир гап. Норбек исмли жиянимиз бор. Бир умр раҳбарлик лавозимларида ишлаган, дастурхон очик, давраси катта, ажайиб инсон, улоқ-кўпкарининг ашаддий мухлиси. Бир куни Норбек жиян бизникига меҳмонга келди. Меҳмоннинг олдида амаким Собир Унарни (Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин!) чақирдим. Учаламиз тонг отгунча роса хангома қилдик. Кетар чоғида Норбек ака озгина мазаси бўлмаётганини айтиб қолди.

Хуллас, кўрикдан ўтказган доктор Норбек акага... от миниб юришни тавсия қилибди. Чунки от миниш, айниқса, эгар-жабдуқсиз минса, кўплаб касалликларни даволаркан. Яланғоч отда юриш эркак кишининг соғлиғига фойдали, деган гапни ҳам шифокорлардан эшитганман. Қишлоғимизда “От инсон кўра олмайдиган нарсаларни кўра олади”, деган ҳикматли гап тез-тез такрорланиб туради.

Дарҳақиқат, от — инсоннинг дўсти. От — йигитнинг қаноти. Айниқса, туркий халқларда от ҳосиятли жонивор ҳисобланади. Фазилатли китобларда бежиз “Фарзандларингизни от минишга ўргатинг”, дейилмаган.

Ҳа, от — ҳикматли жонивор, мардлик ва шижоат тимсоли. Шу боис, гўзал тулпорларни севайлик, уларни авайлаб-асрайлик. Зеро, от меҳрга меҳр билан жавоб берадиган ақлли, садоқатли жонивор.

Жавлон СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
раиси ўринбосари в.в.б

ХОРИЖ

ҲИНДИСТОН-ПОКИСТОН:

УРУШ МУҚАРРАРМИ?..

Давлатлар бир-бирига ён босмаяпти, ўзаро таҳдидлар кучайган. Покистон сўнги воқеа, қолаверса, мунтазам таранглик келтириб чиқарувчи Кашмир муаммосини кўшма ёки халқаро комиссия тузиб, ҳал этиш керак, дейди. Қарши тараф бу тақлифга ижобий қарамайди.

АҚШнинг янги маъмурияти икки давлатнинг эски даъвоси — Кашмир ҳали-бери битмагай, орада ўзлари бу ишни ҳал этсин, демоқда.



Россия ва Хитой нейтраль — ўрта мавқени эгаллаган. Таҳлилчиларнинг фикрича, ҳозир Россия ўзи билан ўзи овера. Украина билан уруш ҳам узоқ давом этиши мумкин. Хитойга келсак, иқтисодий манфаатлар асосий ва-зифа.

Икки давлат ҳам Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти аъзоси. Иккиси ҳам ядро қуролига эга, уларнинг сони деярли тенг. Давлатларнинг ҳарбий қудрати тенг эмас, холос. Ҳиндистоннинг бир ярим миллиард, Покистоннинг — 250 миллион аҳолиси бор. Бирида бир ярим миллион, бошқасида олти юз минг аскар бор.

Ҳарбий харажатлари ҳам шунга яряша. Аммо... Ҳиндистон аҳолисининг 200 миллиони мусулмон, 35 фоизи ҳинд. Покистон аҳолисининг 97 фоизи мусулмонлардан иборат. Тарихга боқилса, Бобур мирзодан бошлаб, то инглизлар бу ерга келгунча — XIX асргача Кашмир мусулмон юрти бўлган. Жуда гўзал диёр ҳақида қанчадан-қанча асарлар яратилмаган, дейсиз? Айниқса, ўзбек халқининг улуг давлат ва жамият арбоби, таниқли адиб Шароф Рашидовнинг “Кашмир кўшиқлари” асарини алоҳида таъкидлашимиз жоиз. Негаки, бу асар ўз вақтида жуда катта эътибор қозongan эди. Ўқиниш албатта тавсия этган бўлар эдик.

1947 йилда давлат адолатли равишда диний мансублиги билан иккига бўлинган: мусулмонлар бир тараф, ҳинду ва бошқа миллатлар бошқа тарафда қолган. Томонлар ҳеч эътироз билдирмаган.

Фақат... ўша йили, Жаҳонгир мирзонинг таърифи билан айтганда, “ердаги жаннат” — Кашмирни ҳарбийдан чиққан инглиз бошқариб турган. Вилоятни куч билан ўзи билганча бўлиб юборган, катта ҳудудни, албатта, ўзида қолдирган. Орага тушган нифоқ ҳалигача ҳал этилмаётир...

Кашмирда мусулмонлар кўпчилигини ташкил этса-да, бошқарув ҳиндларнинг қўлида.

Ўша кундан бошлаб то ҳозирги кунимизгача Покистон томони Кашмир халқидан қайси тарафда яшашни истар эдингиз, саволи билан йиллардир референдум ўтказиш тақлифини киритиб келади.

Ҳиндлар эса уни рад этишдан сираям чарчашмайди... Хуллас, аҳвол, умумий вазият шундай, муаммо қачон ва қай тарзда ҳал бўлади? Буни ҳозирча ҳеч ким аниқ айта олмайди.

Аброр ХОН

САУДИЯ ВА ҚАТАР СУРИЯНИНГ ҚАРЗИНИ ТЎЛАМОҚЧИ

Саудия Арабистони ва Қатар Амирлиги сиёсий бошқарув тизими ўзгарган Суриянинг Жаҳон банкидан олган қарзини қоплаб берадиган бўлган. Энди энг йирик халқаро молиявий тузилманинг мамлакатга 14 йилдан кўп вақт давомида тўхтаб қолган моддий кўмаги тикланиши мумкин. Бу ҳақда “Euronews” хабар берган.

Икки кучли араб давлати Мо-лия вазирликлари кўшма баё-нотида айтилишича, қарийб 15 миллион долларлик маз-кур қарзни ёпиш қарори Жаҳон банки ва Халқаро валюта жам-ғармаси (ХВЖ) билан шу ой Ва-шингтонда бўлиб ўтган учра-шувда қабул қилинган.

Сурия Ташқи ишлар вазир-лиги нефть ва газга бой ҳамкор давлатларга “беқиёс ёрдам учун” миннатдорлик билдирган. Ниҳоят ярим миллион одамнинг ҳаётига зомин бўлган, улкан вайронагарчиликка са-баб бўлган урушдан кейинги тикланиш ва қайта қуриш йўлидаги ҳамкорлик фаоллашади.

УКРАИНА АҚШга ҚАНДАЙ ШАРТ ҚЎЙДИ?

Буюк Британиянинг “Telegraph” газетаси Киев АҚШга топширилган Россия — Украина можаросини тинч йўл билан ҳал қилиш режаси таф-силотини эълон қилган.

Беш банддан иборат мазкур ҳужжатнинг 1-2-бандлари “ка-питуляция эмас, халқаро ҳуқуқ асосида”ги тинчлик келишувига қақиради. Бинобарин, Украина томони аниқ “хавфсизлик ка-фолати” билангина ҳудудлар Россияга “берилиши” эҳтимоли сулҳ шарти сифатида муҳимли-гини таъкидламоқда.

— Учинчи нўқта музокара на-зоратини Трампдан узоқлаштириш ва Украинани тинчлик жараёни марка-зига қайтаришга уриниш, — деб ёзган газета.

Тўртинчи бандда Киев АҚШ ва НАТОни Россия Крим устидан назоратни сақлаб қолиши, гўёки нафақат Украина, балки Қора денгиздаги иттифоқчи-ларга ҳужум таҳдиди имконини яратишдан оғохлантирган.

Бешинчи банд Киев Россияга Украина Қуролли кучлари ёки мамлакат мудофаа саноати базасини чеклаш учун можаро бартараф этилишини таъ-минлаши мумкин бўлган келишувдан фойдаланишга рухсат берилмасли-гини таъкидлайди.

Лойиҳанинг марказий қойдаси Киевнинг Крим расман Россияга тегишли деб тан олинмаслиги ҳақидаги қатъий талабидир.

Интернет маълумотлари асосида
Ислон ЭҒАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 8-мавзе, 34-уй, 49-хонадонда яшовчи Камоллов Бахтиёр Аҳмадовичга тегишли хусусий мулк сифатида 2014 йил 28 январда берилган № 08/0125653-рақамли дубликат ордер йўқолган-лиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ХОТИРА

ЁРУҒЛИК ЙЎЛИДАГИ
УМРЛАР

Бир томчи сув ойна устида қалқиб турибди. У тиниқ, шаффоф. Кимёгар кўриб, шу бир томчи сувда қанча элемент болганини ўйлайди. Оғир бемор учун лабларини намлашга етгудек. Кўш кўриб, чанқоғини босишга чоғланади. Ойнанинг ўзи эса “қанйиди, бағримга ёйилса, янада ялтирар эдим” деяётгандек. Сувнинг тилини билгувчи, қадрига етгувчи олим эса унинг қудратини шундай ифодалаган.

Томчи сув деб гофил бўлма,
тошни тешади,
Томчилардан дарё ҳосил бўлиб тошади.
Томчиларда денгиз акси, ҳаёт рамзи бор,
Қадрласанг, қут-барака, ризқинг ошади.

Ушбу тўртлик сув ҳўжалиги бўйича олим Аббор Қодиров қаламига мансуб. У бутун умрини халқнинг сувга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, бунинг учун сувдан асраб-авайлаб фойдаланиш, қадрига етишдек шарафли ишга бағишлаган инсон. Қанийди, бугун ҳар биримиз олимга ўхшаб томчи сувда ҳаёт деб аталмиш улуғлиқни, муқаддасликни кўра олганимизда эди.

Аббор Қодиров 1930 йилда ўқитувчи оиласида таваллуд топган эди. Тошкентдаги 11-мактабни олтин медаль билан тугатди. Сўнг Ўрта Осиё политехника институтида ўқини давом эттирди. Ёшлигидан сувнинг меҳрига мафтун бўлган. Уша пайтларда ариқларда шарқираб оқаётган, дов-дарахт, экинларга жон ато қилаётган “оби ҳаёт” ёнидан шунчаки ўтиб кетолмасди. Унинг товуши кўшиқ бўлиб эшитиларди гўё. Бўлғуси олим шу сеҳрни англагани сайин касбига меҳри ортиб борди. У 1953 йили олий таълим масканини тугатиб, гидротехник муҳандис мутахассислигига эга бўлди. Меҳнат фаолиятини гидроэнергия лойиҳа бирлашмасида бошлади. Кўп ўтмай, ҳар соҳада ўзини кўрсатган

иктидорли муҳандисни институтнинг гидротехник қурилиш кафедрасига ишга таклиф қилишди. Бу ёш мутахассисдаги ишонччи, касбига меҳрини, сувнинг сеҳрини билишга қизиқишини кучайтирди. Ўқиди, ўрганди, изланди. номзодлик диссертациясини ёқлади. Аввал кичик, кейин катта илмий ходим бўлди. “Сув — ёруғлик”, — дейишган ота-боларимиз. Илмда ҳам, ҳаётда ҳам йўли ёруғ бўлиб борди. Кўнглига муҳаббат инди, оила курди.

Рафиқаси Тўлқинийнинг қадами ҳам қутлуғ келди. Ўзи архитектор бўлишига қарамай, одоб-ахлоқли, имонли қизга уйланишдан бахтиёр эди. “Ўйда бахти борлар ҳар ерда бахтиёрдир”, дейдилар. 1963 йили олимни сув муаммолари ва гидротехника институтининг гидравлика лабораториясига мудири қилиб тайинлашди. Аббор ака катта илм масканида ўз вазифасини давом эттирди.

Олим ўзидаги масъулиятни янада кучлироқ ҳис қилди, чунки оила деб аталмиш муқаддас кўрғони, дуоғўй онажони, ҳар лаҳзада ютук ва зугулик сари илҳомлантирувчи рафиқаси бор. Онасининг ҳар куни қиладиган дуолари Аббор акани яна ва яна изланишга, сув соҳасини ўрганишга, ирригация тизимларини ривожлантиришга ундарди. Тўлқиний ўз лойиҳалари билан шаҳар кўриқча ҳисса қўшиб, илмий иши, изланишларига маслакдош бўлишга уринарди. Оила, рўзгор, раҳбарлик билан бирга ўз устида изланишдан, илм конидан дур теришдан чарчамасди.

Пойдевори меҳр-муҳаббатдан, севи-содқатдан иборат оила кўрғони мустаҳкам бўлди. Аҳил ва ибратли оилага омад ва баракот сувдек ёруғлик билан оқиб келаверди. Ўғил ва қиз дунёга келди. Яхшиларга йўлдош бўлиш, оилани муқаддас билиб эъзозлаш, онани қадрлаш, касбу корга меҳр қўйиш бахт-саодат келтирди.

Фидойи инсон яна институт кафедра мудири, директор ўринбосари, директор лавозимларида сидқидилдан меҳнат қилди. Институт қошида илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил қилинган, фан соҳаси бўйича шу бирлашма директори ўринбосари бўлиб ишлади. Кўп ўтмай, гидромелиоратив тизимдан фойдаланиш бўлимини бошқарди.

Аббор Қодиров меҳнат фаолияти давомида юзлаб илмий мақолалар ёзди. С.Тоҳиров, Ш.Бобожонов, М.Мухторов, Б.Тўлапова каби унга яқин шоғирдларига илмий раҳбарлик қилди. Олим томонидан яратилган “Ўзбекистон ирригация тарихидан очерклар”, “Сув ва этика” каби қатор китобларида сувни исроф қилмаслик, уни асраб-авайлаш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлигини тарғиб қилди. Аму-Бухоро канали иншоотлари қурилишида ҳам олимнинг ихтиролари муҳим ўрин эгаллади. Айниқса, унинг “Исломда сув ва сувдан фойдаланишга муносабат” китоби ўқувчилар томонидан илиқ қўлиб олинган.

Аббор ака камтар, дўстпарвар, оилапарвар одам эди. Бу хислатлар Тўлқиний опада ҳам мужжасам. Гўё улар олтин узукка ёқут кўз кўйгандек эдилар. Аллоҳ томонидан берилган вазминлик, чуқур мушоҳадалилик ва донолик неъматини бу инсонларга бўлган хурматни яна ҳам оширади. У дренаж ва ирригация бўйича халқаро комиссияда фаолият кўрсатди, республика ҳудудлари учун сугориш сувини тақсимлаш ва бошқариш билан боғлиқ масалалар ечимини топишда билимдонлигини намоён этди.

Буларга эришишда Аббор акага оиладаги тинчлик-хотиржамлик, айниқса, Тўлқиний опанинг (катта лавозимда — Ўзбекистон архитекторлар уюшмаси раиси бўлиб ишласа-да) кўнглидаги садоқати, оилага меҳри, саранжом-саришталиги ёрдам берарди.

Қўшни яшаганимиз боис бу воқеаларнинг гувоҳи бўлганман. Уларнинг кечки пайт биргалишиб айланиб юриши, чехраларидаги самимият, “сен” эмас, бир-бирларини сизлаб гапириш, бир сўз билан айтганда, бахтиёрликдан далолат эди. Қўни-қўшнилар ҳам улардаги ирода ва бардош нақадар кучли бўлганлигини ҳавас билан эслашди. Аббор ака йиқилиб оёғи синганда шифохонада олти ой даволаш жараёнида опа ёнларида бўлиб, парварши қилди. Чинакам вафоти аёл сифатида ибрат бўлди.

“Кўнгли боғи сув қадар тиниқ бўлган одамлар кўпайсин, — деган эди Аббор Қодиров. — Чунки улар сув каби ёруғлик бахш этади”.

“Яхшидан ном қолади”, дейди халқимиз. Чиндан-да, улар ўтиб кетишган бўлсалар ҳам, қўни-қўшнилар бу оила, аҳил эру хотин номларини, ибратомуз фазилатларини тез-тез тилга олишади. Биз яшаётган уй лойиҳасини ҳам Тўлқиний Қодирова яратган экан. Демак, улар — яхши одамлар биз билан яшамокда.

Муқаддас АБДУСАМАТОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими.

ЗИЁРАТ

ИСЛОМ
ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ
МАРКАЗИГА САЁҲАТ

Кўқон азал-азалдан илмий, зиёли, нуруний ва фазилатли кексалари кўплиги билан тилга тушган юрт. Собиқ шўролар даврида ҳам бу қадим шаҳарда яшаганлар йймон-эътиқод билан ислом ақидаларини эъзозлаб ҳаёт кечирган. Яна кўқонликлар кўнгилларини осмонларча кўтариб кўйдиган тақаллуфлари билан ҳам машҳурдир.

Сира ёдимдан чиқмайди: 1990 йили — Мустақилликдан бир неча ой аввал Шоҳимардонга оилавий дам олишга боргандик. Бизлар жойлашган меҳмон уйининг бир томонида Кўқон шаҳридан борган юз-кўзларидан нур, гап-сўзларидан меҳр ёғилиб турган кекса отахон ва муниса онахон фарзанду набиралари билан уч-тўрт кун ичида эрталабдан кечгача Қўрғонни каримни ўқишганди. Кейинроқ англаб етдимки, улар Қўрғонни хатм қилишган экан. Бу оила аъзоларининг муомалалари, маданияти, кўз қувнар даражада чиройли кийинишларига жудаям ҳавасимиз келган. Ушанда биз ҳам, худо хоҳласа, Қўрғон ўқини ўрганишни ният қилгандик. Аллоҳнинг қаломи битилган муқаддас китобга муҳаббат пайдо бўлганди...

Яқинда Республика “Нуруний” жамғармаси Кўқон шаҳар бўлими раиси, вилоят кенгаши депутати Манзур ака Абдуллаевдан Кўқон шаҳар ҳокими хомийлигида йигирма етти нафар нурунийларнинг Тошкентда бунёд этилаётган Ислом цивилизацияси марказига саёҳати ҳақидаги ҳаяжонли хушхабарни эшитиб, ўша Шоҳимардонда бўлган воқеа ёдимга тушиб кетди.

Ҳақиқатан, мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан ислом динига ҳам эмин-эркинлик берилди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Абу Муин Насафий, Қафқол Шойий, Абдулоҳиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби уламоларнинг ислом маърифатига қўшган ҳиссаси ҳолисона эътироф этилди. Табарруқ болларимизнинг мақбаралари кўз кўрганда гурурланиб қувонгудек муқаддас қадамжоларга айлантирилди.

Бундан етти йил аввал Президентимиз Шавкат Мирзиёев Рамазон Ҳайити кунини Ислом цивилизацияси маркази биноси пойдеворига тамал тошини қўйган эди. Бугун қадимги

меъморий обидаларимиз шаклида бунёд этилаётган улугвор бинога миллий гумбаз ва пештоқлар, нақшларнинг ажойиб уйғунлиги кўрқ ва салобат бағишлаб турибди.

— Кекса отахонлар ва мунис онахонлар Ҳазрати Имом мажмуаси билан ҳам танишдилар, — деди Манзур Абдуллаев. — У жойда “Усмоний Қўрғонни карим” нусхасини, Абу Бакр Қафқол Шойий мақбарасини, Мўйи муборак ва Бароқхон мадрасаларини кўришга муяссар бўлдилар.

Айниқса, онахонлар Ислом цивилизацияси марказида Бибиҳоним, Хонзодабегим, Гавҳаршодбегим, Гулбаданбегим, Нодирабегим, Увайсий, Анбар Отин каби тарихимизда чуқур из қолдирган аёлларнинг илм-маърифат хомийси сифатидаги фаолияти хусусидаги маълумотлар билан танишиб жуда гурурланишди. “Бу марказга ёш қизларимизни ҳам саёҳатга олиб келиш керак”, деган хулосага келишди. Ислом цивилизацияси маркази — миллий ўзлгимиз, илм-фан, таълим ва маданият маркази бўлганлигини таъкидлашди.

Ҳа, Ислом — юксак маънавият ва маданият титмосидир. Президентимиз таъбири билан айтганда, Ислом цивилизацияси, Ислом таълимотининг замини, аслида, илм-фан, маданият, таълим ва тарбиядир. Юртимизда барпо этаётган марказнинг бош ғояси, асоси ҳам шу. Энг муҳим томони — юртимиздаги Ислом маданияти билан боғлиқ бир неча минг йиллик қадимий ўтмиш бир жойда — мана шу мажмуада мужжасам. Марказ билан танишган одам ана шу тарихни аққол кўриб, ислом дини, бу аввало, тинчлик, тараққиёт ва бағрикенглик дини эканини, ўзбек халқининг дунё тамаддунига қўшган буюк ҳиссасини янада теранроқ англайди.

Манзур ака билан ана шулар ҳақида узоқ суҳбатлашдик. У биздан авваллари кузатилмаган бундай эъзоз ва эътибор учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга қўқонлик нурунийлар номидан миннатдорчилик сўзларини мақолада алоҳида қайд этиб қўйишимизни сўради.

Дарҳақиқат, Ислом цивилизацияси маркази Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлик мактаби, илмий-маънавий салоҳиятимиз рамзи сифатида тарихга киришига шубҳа йўқ.

Муҳаммад КЕНЖАЕВ

ТААССУФ

УЙЧИДАГИ УЯТЛИ МАНЗАРАЛАР

Ўтган йили Уйчини ишсизликдан холи туманга айлантириш тажрибаси ҳақида мамлакатдаги қатор оммавий ахборот воситаларида чиқишлар бўлганди. Камина ҳам 2024 йилнинг декабрь ойида вилоят ҳокимияти тавсияси билан шу мавзуда мақола тайёрлаш мақсадида Уйчи туманида бўлганман. Янги иш ўринларини яратиш, камбағалликни қисқартириш бўйича олинган маълумотларни ўрганиб, ижобий мақола ёзиш фикримдан қайтгандим.



Чунки тумандаги масъул раҳбарлардан олинган маълумотлардаги рақамлар ишончсиз ва турли хил эди. Очiq айтганда, тақдим этилган рақамлардаги тафовутлардан қўшиб ёзиш ҳиди келиб тургандай эди. Устига-устак, ўша кунлари туман ҳудудидаги асосий кўчаларда, ҳатто ҳокимиятнинг яқинида ҳам маиший чиқиндилар тўпланиб ётганининг гувоҳи бўлиб, ахлатларники вақтида ташиб кетишни ташкил эта олмаган туман раҳбарининг фаолияти ҳақида ижобий фикр айтишга иккилангандим.

Бу муаммони кўтариб чиқмаганимнинг яна бир сабаби, ўша кунлари қор ёғиб, совуқ об-ҳаво туфайли автотранспорт воситаларини метан газ билан таъминлашда ҳам чеклов бор эди. Чиқинди ташийдиган махсус автомашиналар учун ҳам метан газ танқис бўлган бир пайтда бу муаммони кўтариб чиқишга истихола қилгандик. Чунки махсус транспорт воситалари ҳам газ танқислиги сабаб тўлиқ қувват билан ишлаб олмайётгани ҳам бор гап эди-да.

Мақтов ёзишга қўлим бормганининг яна бир сабаби, маънавиятга, газеталарга, тахририят вакилларига жиддий муносабатда бўлмайдиган, ёлғон гапириб, ёлғон ваъдалар бериб уялмайдиганлар ҳақида ёзишга гурурим йўл қўймаганди...

Буни қарангки, шу йилнинг 23

апрель куни Наманган вилоят сув ҳўжалиги бошқармаси раҳбарлари билан учрашиб, соҳада амалга оширилаётган ишлар хусусида мақола тайёрлаш мақсадида яна Уйчи тумани ҳудудидан ўтдим. Амир Темур номли кўчадан бораётганимизда ҳамроҳимнинг “Уйчи тумани кўчаларидаги ахлатлар вақтида олиб кетилмаслиги сабабли антисанитария ҳолати вужудга келганлиги ҳақида мақола ёзсангиз яхши бўлар эди”, деган илтимосидан келиб чиқиб, йўлнинг икки юзидagi хонадонлардан чиққан елим халталарга қоплаб қўйилган ахлатлар уюмларини суратга олдим. Маҳаллалар вакиллари билан суҳбатлашганимизда, ахлатларнинг олиб кетилмаслигига улар кўниқиб қолишганини айтишди. Чиқиндилар ҳаф்தалаб ййгилиб қолган, қўланса хид чиқа бошлагач, ноиложликдан шахсий автомашина эгаларига пул бериб ахлатдан қутулишаётганини билдиришди.

Айниқса, туман марказидаги Беруний маҳалла фуқаролар ййғинидаги ахлатхона аҳолига катта бошогрик бўлмокда экан. Ойлар давомида ййғилган ахлат уюмларини тозалаш ҳақида уларнинг туман раҳбарларига қилган мурожаатлари эътиборсиз қолдирилаётганлиги ҳам тавшвишли.

Ажаб савдони қаранг. Наманган шаҳри ва бошқа туманларда



кўча ёқалари гулзорларга айлантирилиб, кўзни қувонтираётган, Наманган аънаънавий халққаро гуллар фестивалига қизгин ҳозирлик кўраётган бир паллада Уйчидаги аянчли манзаралар ҳар қандай кишини ранжитиши табиий.

Покизалик йўқ жойда барака бўладими? Кундан-кунга кўчалардан файз йўқолиб бораётган Уйчининг ҳокими учун бу ҳол уят эмасми? Туман ҳудудини маиший чиқиндилардан тегишли корхоналар орқали тозалата билмаётган, бунга қучи етмаёт-

ган, эҳтимол, антисанитария муҳитига “мослашиб қолган” туман ҳокими Шўхрат Мусаев зиммасидаги улкан вазифаларни қандай уудалай олаётгани хусусида, тўғриси, нима дейишга ҳайронмиз. Уйчида туман ободонлаштириш ташкилоти йўқми? Бошқа ташкилотлар-чи? Улар бор бўлса, туман марказида шу аҳволда бўлган, унинг маҳаллаларида, кишлоқларидаги манзара қанақа экан?

Санитария-эпидемиология, осийишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (бир пайтлар

“СЭС”)нинг туман бўлими Уйчида нимани назорат қилаяпти? Ахир бундай эъзоз ва эътибор қўрсатмасин, минг хил касалликларни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас-ку.

Хулласи қалом, туманда озодаликка, саришталикка эътибор йўқ. Бу ерда маданият, санъат, таълим, тиббиёт, иқтисод қай аҳволда? Булар ҳақида ҳам келгуси кузатувларимизда албатта тўхта-ламиз.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОВ,
“Hurriyat” мухбири.



Тақвим адашмаган. Ҳали январь. Қиш.
Бодомлар гуллаган Бойсун шаҳрида
Январь баҳор каби юритарди иш –
Ажиб синоатнинг сирли баҳрида.

Бодомлар гуллаган Бойсун шаҳрида,
Барча кузлариға бергани барҳам,
Ҳаёт денгизининг ошиб сатҳидан –
Омонат жонини топширди акам.

Акам бу дунёға қилмади парво!
Барча фаслларда – монанди баҳор –
Кўнглини барчаға сочди, худо-ё,
Кўрганға меҳрини берди беозор.

Баҳор акам маним!.. Фасллар бекор!
Дунёға чиқса гар дил очиб – бекам,
Саратон билан ҳам сўзлари – баҳор,
Тўйрамоҳ етса ҳам суҳбати – кўлам.

Эзгулик ҳеч қачон бўлмагай афғор!
Негадир қиш ишин Эгам тузатди:
Январда етишди ногаҳон баҳор –
Акамни бодомлар гуллаб кузатди.

17.02.2024

ДОВОН. ПОЕЗД

Тоғлар кечган сой сўлу соғи
Темир йўллар билан эшилган.
Поезд чиқар отилиб, тоғнинг
Қорнидаги қора тешикдан.

Таҳлика йўқ вагонда. Зарра
Зўриқиш йўқ, Чарчоғу “уф” йўқ.
Соат неча? Яқиндир марра.
Тик йўлларда қолган мағлуб йўқ.

Йўл кунларни айламас талаб,
Зумда битди Тошкентда юмуш.
Отабекни кутмас ҳафталаб,
Марғилонда ўртанган Кумуш.

Довонларнинг ваҳми йўқолган...
Аллақандай шўх суҳбат бошлар –
Довон оилиш лаззатларидан
Айро тушган беташевиш ёшлар.

Бу йигитлар ақлли. Бир забт! –
Барпо бўлар ўнгларида туш...
Отабекни кутмас ҳафталаб,
Марғилонда ўртанган Кумуш.

Аммо кўнглим маст эди – бемай! –
Довонларнинг дostonлиғида!..
Аллақандай ҳавотир бордай
Дийдор кўриш оsonлиғида.
20.02.2024

ҚЎРҚИНЧ

Эй, ўртандим!
Соғинганим соғинган!
Шеърни ичсам ҳам,
Соғинчим қонмас!
Бу соғинчда ўлиб кетаман
Бир кунмас-бир кун!

Сенга етолмаяпман,
Парвардигор!
21.02.2024

Ҳайвонлар кўлайди бу дунёда.
Худодан кўркмас ҳайвонлар.
Яна барчаси одам қиёфасида.
Аммо менга аён-ку улар!

Мана,
Ор-номусни,
ҳалолликни,
имонни –
бори гул дунёни еб,
Пайҳон қилиб ўтишяпти.

Ҳайвонлар!..
Тўймайди булар!..
21.02.2024

ЯШИЛ ҚАРТА

Кетаверасаним?
Қорнинг тўйса, бўлдими?

Ташлаб кетаётганинг
Ахир,
Ватан.

Нега йиғламайсан?
Нега “ох” урмайсан?

Кетавер.
Ватанни танимаган,
Кетавер...

Ватан
Сендан айрилгани йўқ.

Ватан қутулди сендан,
Қутулди..
21.02.2024

ХОТИРА

Болалик дашту туз оралаб ўтди.
Тоғлар орасида яшадим, сўнера
Қаро ер – аждарҳо – отамни ютди –
Уч ёшда эдимми? Йиғладим ҳўнераб.

Даштда ўроқ ўрдим. Ташидим сомон.
Рўзгорнинг ташвиши бошимга дўнди.
Мол-ҳолнинг ортидан югурдим сарсон –
Онам йиғламасин – ҳар қорға кўндим.

Ҳозир ҳам эсимда ғамнинг сиёғи,
Елкаси силкинмай йиғлаётган ҳол –
Кўксимдан ўтди вақт – молнинг туёғи –
Мутти жонимга ҳам раҳми йўқ қаттол.

Даштнинг ҳар қиёғи ёдимда қолган,
Кўклами, қуераши, хаслиғи – турфа.
Дард шеърға етмасди. Уртаниб толган
Юрагим муттасил кўчарди “уф”ға.

Осмондан тушмаган ҳеч ким! Хотира
Бўғзимга тиқилар – ақлдан озган.
Шеърлар меникимас. Ҳў, ўша бола
Гоҳ қулиб, гоҳ йиғлаб ёзгани-ёзган..
23.02.2024

Йўқликларинг яхши.
Сени йўқлаб
Шеър ёзавераман,
Ёзавераман...

29.02.2024

Ишга кетди барча, ташвишга..
Креслога чўкканча оғир,
Кўчаганим бир сокин тушга –
Ўтирибман кўз юмиб ҳозир.

Ва шу танҳо ўтиришимда,
Ўйларимни руҳимга артиб –
Ҳатто ўзим сезмас аршимда,
Бермоқдаман юракка тартиб.

Аллақандай – солмай овоза –
Мен ўзимга таралаяпман.
О, нақадар юрагим тоза..
Яна қайта яралаяпман.

29.02.2024

Тунда тортиб қўяди
Деразаларининг пардаларини.

Маҳкамлаб қўяр –
На осмон кўринар,
На юлдузлар...

Тунда ихтиёри
Ўзидан кетади, ахир,

Тунда армонли тушлар
Подшоҳдир унга...

Юлдузлар сори
Учиб кетишидан қўрқиб –

Тунда тортиб қўяди
Деразаларининг пардаларини.

02.03.2024

АЯМАЖУЗ

Бу кун жуда овора –
Баҳору қишга талаш.
Томда чалар тарона
Аямажуз – девона –
Қору ёмғир аралаш.

Аямажуз – шўр кампир!
Январи ташлаб кетган,
Феврали ташлаб кетган..
Аямажуз – зўр кампир –
Қаҳри баҳорға етган.

Аямажуз – кўр кампир!
Баҳор келганин сезмай,
Совуқ ишидан безмай –
Бу кунни айлар талаш,
Қору ёмғир аралаш...

04.02.2024

Сен тараф кетган хаёл –
Кўчанеда сарсон кезди-ё,
Уй ногоҳ онди эшиқ,
Кўнгли не ҳолни сезди-ё.

Сен бу уйдин кўчган эрдинг.
Мунг шамоли елдиму?
Эшигингни очгани,
армонда соғинч келдиму?

Тушга менгзар бу кўча –
сеҳрингни ташлаб кетдинг-о!
Келса ёр мунгаймасин –
меҳрингни ташлаб кетдинг-о!
08.03.2024

УМР ФАСЛЛАРИДА СЕНГА ЁЗИЛГАН МАКТУБЛАРДАН ПАРЧАЛАР

“Сен хотирага борасан,
учрашсак,
изиллаб
йиғлайдиган хотирага”...

“Сен юракка борасан,
илҳомнинг мавжига қоришгани –

юракка
борасан”...

“Сен армонга борасан –
танҳо тунларимнинг
иложсиз
“уҳ”лариға”...

“Сен гуссамга борасан –
шеърдан ҳам
яширган
фарёдларимга”...

“Сен шеъримга борасан –
сўнги нафасимдаги
шеъримга”...

“Сен ёзолмаган шеъримда қоласан –
ўлаётганимда,
бирга
жон берадиган
шеъримда”...

10.03.2024

ИРСИЯТ. ИЛДИЗ

Юракда айланар қай куч гуптириб,
Рухимни ўртайди қай армон юқи?
Ногаҳон етади соғинч уфуриб,
Олис-олисларнинг безовта “уф”и...

Тумандай тарқаган мерос хотира
Қаътидан бир ситим ундов энади –
Бу чорлов ортидан – ногоҳ довдираб –
Масалан, Олтойга кетгим келади.

От суриб Шивирдан Ғарба келяпман
Шамолға ўралиб, илашиб шеърға.
Ана, Алпомишни қуйлаб беряпман,
Даштима адашган сўқир Ҳомираа....

Қилчоқ даштларида ўйноқлар ҳар ён –
Ҳали ҳам –

“қур–эй”ининг маст-асов мавжи..
Уорлар ортидан боқади, вайрон
Мозийдан узилган кўнглимнинг ранжи.

Қоронгу тушдими? Ловуллар гулхан.
Туркий шеваларда гурқирар суҳбат..
Давранинг четида бордайман мен ҳам,
Негадир англайман – борман то абад.
11.03.2024

Ёмғир. Тонг отар.
Деразда
томчилар чанги.
Кўз ўнгимда ивиб ётар
Кўзнинг сап-сарик ранги.

О, ивиди маним кўнглим ҳам!..
Юрагимга бўлди бир бало –
Ўз-ўзидан босиб келди ғам,
Ўз-ўзидан йиғлади дунё.

Бир узлуксиз ўртаниш қалбда..
Яна нелар ўйлади тақдир?
Чақмоқ каби сочилиб – шартта! –
Баҳор бўлеум келар негадир.
12.03.2024



ТААССУРОТ

Безовта қалб ва соҳир туйғулар

Ярим аср умр кечирган инсон нималарни
хаёлидан ўтказди? Агар у ижодкор
бўлса, албатта, ёзиш машаққатлари ичра
кечган йилларини ва қилган меҳнати
самараларини бирма-бир тарозига
солади. Шундай кезларда кўнгилнинг ич-
ишлари ёришармикин?. Ҳамма гап шунда!
Ўнлаб китоблари ўқувчилар қўлига етиб
борган, ҳатто бир нечта тилларга таржима
қилинган ижодкор, Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими бош
мутахассиси ва айна пайтда яна бир
қанча вилоят миқёсидаги йирик жамоат
юмушларида фидоийлик кўрсатаётган
Зухра Бегимнинг ўз фаолиятида ютуқларга
эришиши ҳам оson бўлмаган.

Ижоднинг бир фоизи қобилият, тўқсон тўққиз
фоизи меҳнат, деган гап бор. Меҳнат ҳам
шунчаки меҳнат эмас! Ўйлаб қаранг, ҳисобчи
аниқ тузилган режа бўйича иш олиб боради,
хунарманд азалдан қўллаб келинган андозага
кўра буюм ясади, муаллим дарслик асосида
сабоқ бери.

Лекин ижодкорчи-у? Унинг учун режа ҳам,
андоза ҳам, дарслик ҳам йўқ. Фақат безовта
қалб бор, ёзишга ундайдиган соҳир туйғулар
бор, нимадир янги гап айтиш масъулияти бор!
Аслида, ўқувчиға бирор янги гап айтмоқ учун
тинимсиз изланиш, чуқур билим ва салоҳият
бўлмоғи керак. Ижоднинг олтин қойдаси эса
домий ёзиш ҳисобланиб, фақат ўқиш ва ёзиш
йўлидаги тинимсиз уринишлар ўз соҳибига
ютуқлар олиб келади. Зухра Бегимнинг
ажойиб китоблари ҳам серҳаракатлилик ва
изланишнинг меваляридир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад
Али бир неча йил аввал Зухра Бегимнинг
“Самарқанддан эсган сабалар” китобига
ёзган сўзбошисида: “Энг катта ютуғи –унинг
битикларидаги самимият ифодаси, очиқ
кўнгилнинг изҳорлари, дарду изтиробларини
ўқувчидан яширмаслик, балки унга ёрилиш, у
билан баҳам кўриш фазилати борлиғидир”, дея
эътироф этганди. Кўп вақт ўтмай, Зухра Бегим

кетма-кет иккита китобини: “Биз кутган баҳор”
шеърый тўплами ва публицистик асарлар
жамланмаси — “Улугбекнинг нурли нигоҳи”ни
ўқувчиларга тақдим этди. Публицистик
тўпламда қаламга олинган таниқли инсонлар
фаолияти ҳақидаги очеркларга филология
фанлари доктори Сувон Мели “шоирона
публицистика” деб таъриф беради.

Зухрабегимнинг асарларида мавзулар
доираси чегарасиз. Ҳатто йўл бўйида ўсиб
турган ва биз шунчаки ёнидан бепарво ўтиб
кетадиган мажнунтол ҳам муаллифнинг
эътиборидан четда қолмайди. У шу яшил
дарактни табиатнинг мўъжизаси деб билади,
гўёки нозик баргларини илиқ нигоҳлари билан
силаб-сыйпалайди, эгилиб турганини қайғули
одамга менгайди ва уни шеърда ўзича
юпатгандек бўлади:

Кўтар бошини, чўкмагин ғамга,
Соқларининг шамоллар ўпмаси.
Сени шундай қўйға солганин
Муҳаббатнинг уволи тутсин.

(“Мажнунтолга” шеъридан).

“Томирларинг сувга етган, минг асрлик
чиноримсан”, деб ёзади шоира “Элим”
шеърда.

“Топилмайди меҳри жаҳонда”, деб
эъозлайди она юрти Ургутни.

“Ота-онам кўнглидай оқ, покиза виждоним-
сан”, дея тилимизни ардоқлайди “Она тилим”
шеърда.

Ҳар биримиз она табиатнинг бир бўлагимиз.
Жон томиримиз билан табиатга боғланганимиз.
Шу жиҳатдан қараганда, шоира табиатни
ўзгача бир тарзда севади, у ҳақда ўзгача бир
оханда ёзади. Зухра Бегим учун осмон —
таскин бергувчи бир дардқаш, шамол — гул
юзидан бўса олувчи бевафо, қор — самодан
ёғаётган бир олам муҳаббат.

Болалар ҳақида ёзиш, аслида, оsonдек
туялади. Лекин бундай эмас. Бола қалбини забт
этмоқ учун кишининг ўзи ҳам болага айланиши
керак. Яъни, болаларга айтиладиган гапни
“болача” тарзда айтиш лозим. Зухра Бегим

Гўлҳеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.

ВОҚЕИЙ

Қаҳрамоннинг одати шу
— метро вагонига киради-ю,
ичкарига ўтмай, эшикнинг
ёнгинасидаги “майдонча”дан
жой олади. Ичкарига йўналсанг,
тирбанд, оломоннинг
измида қоласан. Яхшиси,
одатдагидек...
Вагон шунчалар лиқ-лиқ
эдики, рўпарангга сенга тик
қараб турган йўловчининг
нафасини юзингда сезиб
турасан. Табиий, у ҳам сенинг
нафас олиб-қиқаришингдан
“баҳраманд” бўлаётгани
муқаррар. Вагонлар ҳар сафар
тўхтаб, яна йўлга тушганида
янгидан-янги “нафас”ларга
рўпара келасан. Ва ҳар сафар
Қаҳрамоннинг кўнглидан битта
гап ўтади: “Бунча одам кўп
бўлмаса?!”

Навбатдаги бекатда вагон
эшиги очилиши билан Қаҳрамон-
нинг рўпарасида ёши ўтинқираган
бир отахон пайдо бўлди. Боши-
даги дўпписи анча уринган, чакка
сочлари, қошигача оқара бошла-
ган, манглайдаги тарам-тарам
эгни изларни кўрган одам дар-
овини унга жой бўлганиб бериши
аниқ. Қаҳрамоннинг кўнглидан ўт-
ган гапни сезгандек, отахон ён-
атрофга аланлаган бўлиб, гуд-
ранди:

— Йўқ, ичкарига кирмайман,
шу ерда, эшикка ақин тураман!
Шундай деди-ю, қарийб
Қаҳрамоннинг пинжига суқилиб
олди. Қаҳрамон ўзини орқага
ёки ёнбошга олмоқчи бўлди, йўқ,
иложи йўқ. Қимир этолмади.

Вагон силтанди, отахон
мувозанатни сақлай олмадими,
ҳавода муаллақ қолган қўлини
кўтарган қўйи тутқичга чўзилди.
Туттолмади, иккала қўлини
ҳаволатган қўйи тутқични толди.
Тоғаётиб, бети Қаҳрамоннинг
бетига тегиб кетди.

— Отахон, ичкарига
кирсангиз... — дея гап бошлади
ижирғанганини сездирмасликка
уришиб Қаҳрамон, аслида
кўнглида бояғи гапини, гапини



МЕТРОДА

эмас, таънасини такрорлаганди:
“Бунча одам...
Қаҳрамон гапини охирига
етказолмади.

— Буни қаранг, узр. Яхшиям!..
Отахоннинг овози шу қадар
мулойим, ёқимли эшитилдики,
Қаҳрамон шу заҳоти ички
норозиланганини ҳам унутди.
Метро вагонлари тўхтади,
эшиклар очилди, одамлар
яна қўнундай ёпирилиб кирди.
Эшиклар ёпилди, поезд йўлда
давом этди. Отахон Қаҳрамоннинг
рўпарасидан нари кетмади. Унга
бетма-бет ёпишиб қолгандек
боғи аҳволда турарди. Начора,
Қаҳрамон тақдирга тан берди,
тишини тишига босди, чидади.

Шамолдай елиб келаётган
метро вагонлари навбатдаги бе-
катга етиб келиб тўхтади. “Эҳтиёт
ёки ёнбошга олмоқчи бўлди, йўқ,
иложи йўқ. Қимир этолмади.

Вагон силтанди, отахон
мувозанатни сақлай олмадими,
ҳавода муаллақ қолган қўлини
кўтарган қўйи тутқичга чўзилди.
Туттолмади, иккала қўлини
ҳаволатган қўйи тутқични толди.
Тоғаётиб, бети Қаҳрамоннинг
бетига тегиб кетди.

— Отахон, ичкарига
кирсангиз... — дея гап бошлади
ижирғанганини сездирмасликка
уришиб Қаҳрамон, аслида
кўнглида бояғи гапини, гапини

деди ичиди да дарҳол зийрак
тортди-да, шошилиб жавоб
кайтарди:

— Ҳа-ҳа, бобожон, “Пахтакор”га
келдик!

— Барака топинг, болам.

Яхшиям...
Эшиклар очилган заҳоти
эшик томон юрган отахоннинг
товуши шовқин остида қолиб
кетди. Шундагина у ўта
эҳтиёткорлик билан, қадамини
судраб босаётганини, иккала
қўли билан пайпасланиб, ўзига
йўл очаётганини пайқаб қолди
Қаҳрамон. У не кўз билан
кўрсинки, отахоннинг кўзи ожиз
эди.

Қаҳрамоннинг кўксига нимадир
узилиб тушгандай бўлди.
Шошганидан отахонга ёрдам
қўлини чўзиш-чўзмаслигини ҳам
билмай қолди. Бенихтиёр унга
томон икки қадам ташлади. Бироқ
ташқаридан кирган одамлар
оқими уни орқага суриб юборди.
Қаҳрамон бор вужуди билан
отахоннинг меҳрга тўла сўзларини
қулоғида тутиб қолишга уринди,
бироқ... отахон, “Яхшиям одам
кўп!” дедими ёки “Яхшиям, яхши
одамлар кўп!” дедими, аниқ-тиник
илғамай қолди...

Кўвонч БЕК,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика
факультети магистранти.

СИЙРАТ

Олим ва ижодкор дўстим Жаббор Эшонқулни қарийб ўттиз беш йилдан буён билан. У ижод оламига бошқаларни такрорламаган интеллектуал шеърлари билан кириб келди. Адабий нашрларда чоп этилган лирик асарлари унинг ижодий истиқболи баланд бўлишидан дарак бериб турарди. Шеърлари билан ижод аҳлининг эътиборига тушди, эътирофини қозонди. Лекин халқ оғзаки ижоди деган бепойн уммон билан яқиндан танишгач, у бутун салоҳиятини ана шу сарҳадсиз уммон қаридидаги дуру жавоҳирлар — фольклор намуналарини тадқиқ қилишга бағишлади.

Унинг халқ ижодиёти билан танишуви илмий фаолияти билангина боглиқ бўлмай, аспиди, болаликдан бошланган. Жаббор Эшонқул асли Қашқадарёнинг Қамаш туманига қарашли тоғли Олма қишлоғидан, бахшилар юртидан. У — ўзбекнинг кўнгирот уруғидан, Алпомиш авлодидан. Шу боис достонлару термалар тинглаб, қалбу шуури Алпомиш, Гўрўғли, Рустамхон каби халқ қахрамонлари руҳиятига ошно тутиниб ўсди. Қулса даҳанидан гул, йиғласа кўздан дур тўкиладиган малаклар олами ҳақида сўнгсиз хаёллар сурди. Тушларида Бойчиборни миниб, қалмоқлар билан пойгада ўзди, Алпомиш билан елкама-елка туриб, ултонтозларнинг додини берди. Гуржистондан Авазхонни, Ваянгандан Ҳасанхонни олиб келишда Гўрўғлига ҳамроҳлик қилди. Ҳар бир сўзи мақолу маталлар билан зийнатланган, суҳбати ҳикматга йўғрилган донишманд болобору оқила момолар суҳбатидан ақли ўткирлашиб, тили чархланиб, руҳи қувватланиб вояга етди. Шунинг учун мен унинг бутун илмий-интеллектуал салоҳиятини фольклорга бағишлашда табиий қонуният кўраман. Унда ижодий ва илмий тафаккур ҳам бўлишининг, забардаст фольклоршунос сифатида наинки мамлакатимизда, туркий дунёда ҳам муносиб эътироф қозонишининг асл илдизлари ҳам шундадир.

Жаббор Эшонқул — етук фольклоршунос. “Фольклор: образ ва талқин”, “Эпик тафаккур тадриҳи” монографиялари орқали у ўзбек фольклорининг жанр хусусиятлари ва такомил босқичларини теран таҳлил этди. Олимнинг илмий қарашлари фольклор назарияси асосларига доир мавжуд қарашларни бойитгани жиҳатидан қимматлидир. “Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини”, “Миф ва бадий тафаккур” каби монографиялари ўзбек халқ оғзаки ижодиёти жаҳон фольклоршунослиги контекстда таҳлил этилгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Унинг асарларида фольклор намуналари дунё адабиёти ва адабиётшунослиги, фалсафа, тарих ва этнография илмларини ютуқлари билан синтез қилинади. Мухим назарий умумлашмалар чиқарилади. “Наврўз нашидаси” ва “Наврўз қўшиқлари” сингари китоблари миллий ўзлгимиз тимсоли Наврўзнинг халқимиз кечмишида тулган ўрни, ўзига хос урф-адумлари, она элнинг қўшиқларда ифодаланган дарду изтироблари, орзу-армонлари тадқиқ қилингани билан аҳамиятли.

Эл эгамнелигининг тимсоли бўлган бахшиларга, бахшичиликка ҳар доим ҳам кенг йўл берилмаверган эмас. Фольклоршунослик ривожига салбий таъсир этган объектив омиллар, баъзан эса лоқайдлигимиз натижасида элнинг не-не достонлари не-не улуг бахшилар

билан бирга қаро ерга сингиб кетгани афсусланарлидир. Бахшларнинг сўнгги Алпи — Қодир бахши айтган бирор достоннинг тўлиқ аудио ёки видеоёзувига эга эмаслигимиз одамни ташвишга солади. Жаббор Эшонқул фольклоршунос тадқиқотни фақат кабинет ёки кутубхонада ўтириб бажариши мумкин эмаслигини, у эл ичида бўлиши, достон ва термаларни бахши тилидан ёзиб олиши зарурлигини қалбдан ҳис этган, фаолияти давомиди шунга изчил амал қилиб келаётган санокли олимлардан. Биргина “Алпомиш”нинг Абдуназар бахши Поёнов, Умир шоир Сафаров ва Мардонакул бахши Авлиёкул ўғли вариантларини ёзиб олиб нашр эттиргани ушбу достон ҳақидаги мавжуд қарашларни бойитгани жиҳатидан қимматлидир. Чин бахши бир достонни ўн марта айтса — ўн хил, юз марта айтса — юз хил қуйлайди. Бир терма ёки достонни бахши ҳар бир ижро этганда мазмунда қандай ўзгаришлар бўлди? Достон ғоясида, бадийатида не эврилишлар кузатилди? Кейинги вариантларида бахши нималарни қўшди? Нималарни

Фозил Йўлдош-у Эргаш Жуманбулбул, Умир бахши-ю Қодир бахши, Шоберди бахши-ю Абдуназар бахши. Абдурашид бахши-ю, Қаҳқор бахши, Баҳром бахши... Тангрига шукрки, улар кўп. Изма-из етишиб келаётган ёш бахшилар ҳам талайгина. Жаббор акадай олимлар шогирдларини бахши ижод лабораториясини ўрганишга йўналтириши, фольклоршунослигимизнинг янгидан-янги йўналишларини ривожлантириши шунинг учун ҳам муҳимдир. Олимнинг фақат “Алпомиш” вариантларинигина эмас, “Муродхон”, “Рустамхон”, “Якка Аҳмад”, “Эрназархон”, “Равшан”, “Хон Далли”, “Қундуз билан Юлдуз” каби ўттиздан ортиқ достонларимизни жонли ҳолатида бахшилардан ёзиб олиб, китоб ҳолида нашр эттиргани унга бўлган ишончимизни оширади.

Достон — эл кўнглининг ойнаси. Элнинг ори, номуסי билан боғлиқ тоза ва тиниқ туйғулари, қанотли орзулари, чўнг армонлари акс этадиган ойна. Достонни китобдан ўқиганда бир завқ олсангиз, бахшидан тинглаганда, ўн завқ олсангиз, муталаа этганда қалбингиз ўн қарра ҳало-

гилашда алоҳида аҳамиятга эга. “Ўзбекистон номоддий маданий мероси”, “Ўзбекистон номоддий маданий мероси ва фольклор ижро санъати”, “Фольклоршуносликка кириш”, “Ўзбек фольклори”, “Туркий ёзма ёдгорликлари ва фольклор” сингари дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг ҳаммуаллифи экани Жаббор Эшонқулнинг бу борада ҳам муваффақиятли иш олиб бораётганини кўрсатади.

Жаббор Эшонқул халқро миқёсда эътирофга сазовор бўлган олимлардан. Уни бутун туркий дунёда яхши билишади, етук олим сифатида тан олишади. Хусусан, Туркияда чоп этилган “Ўzbek Halk Edebiyatı Bibliyografyası”, “Türk Dünyasında Terim Çalışmaları”, Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида нашр қилинган “Сказительское искусство Евразии” каби китобларнинг ҳаммуаллифи экани туркий фольклоршунослик ривожига муносиб ҳисса қўшаётгани исботидир. Туркияда амалга оширилган “Туркий халқлар достонларини Туркия туркчасига таржима қилиш ва чоп этиш лойиҳасининг Ўзбекистон бўйича вакили сифатида “Хуш-



ботлайди. Бироқ бу дегани у рисоладагидек бир хил қолипда яшайди, дегани эмас. Ўринсиз фикрларга қарши эканини қатъият билан, дангал билдирди. Зеро, сабот ва қатъият одаимийликнинг зийнати бўлгани каби олимликнинг ҳам муҳим фазилатидир. Бу фазилат Жаббор Эшонқулнинг раҳбарлик фаолиятида ҳам салмоқли ютуқларга эришуви омили бўлди. Айтимиз кезда у Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи директори сифатида ушбу илмий даргоҳ нуфузини юксалтиришда катта ишларни амалга оширяпти. Музейнинг бошқа ташкилотлар эгаллик қилиб олган хоналарини қайтариш, нашр этилмай қўйган “Адабий мерос” журнали фаолиятини қайта тиклаш, муассасанинг илмий салоҳиятини ошириш бўйича амалга оширган ва амалга ошираётган ишлари унинг раҳбарлик иқтидори баланд эканидан.

Олимлар, одатда, икки хил бўлади. Биринчиси, илмда катта ютуқларга эришиш баробарида жамият ҳаётида ҳам фаол иштирок этади. Иккинчиси, атроф-олам билан мутлақо қизиқмайди, фақат ўз илмий тадқиқотлари билан банд бўлади. Ҳар икки тоифадаги олимларнинг ҳам бўлиши табиий. Лекин биринчи тоифа Ватан ва Миллат учун кўпроқ манфаат келтириши аниқ. Мустақиллик ва Наврўз байрами концепциясини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ фаолиятида Жаббор Эшонқул билан кўп бор бирга иштирок этганмиз. Ана шу жараёнда унинг халқ ижодиёти билан бир қаторда элнинг руҳиятини, урф-адумларини қадриятларини, достонлари-ю қўшиқларини, мақоллари-ю маталларини нечоғлиқ чуқур билиши, бугунги ислохотлар утуғини таъминлашда улардан қай бири муҳимдан ҳам муҳим эканини ажрата олиш салоҳияти намоён бўлганига гувоҳман. Илмда илғор, жамият ҳаётида фаол ана шундай олимларга эҳтиёж бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам каттароқдир.

Буюк мутафаккир болаларимиз инсон иззати ва шарафининг манбаи илм-маърифат эканини алоҳида таъкидлаган. Нўши бир бўлса — ниши минг, роҳати бир бўлса — ташвиши минг илм йўлининг собит йўлчиси бўлиш осон эмаслиги аён. Шу кунларда олим ҳаётининг навқирон палласи — олтимиш ёшни қаршилаётган дўстимиз Жаббор Эшонқулга ана шу йўл ойдин ва мунаввар бўлишини, юз билан юзлашиб, илмда яна кўп салмоқли ютуқларга эришмоқ саодатини тилаймиз.

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

ТАДБИР

Болаликнинг беғубор байрамлари

Олмасор туманидаги 159-сонли мактабда “Баҳор қўшиқлари ва рақслари фестивали” мавзусида кеча бўлиб ўтди

Болаликнинг ҳар куни байрам. Аиниқса, баҳор болалар кайфиятига жуда яхши таъсир кўрсатади. Улар ўзларидаги истеъдодларни намоён қилиш учун имкониятлардан фойдаланишга, турли кечаларда қатнашиб, шеър-қўшиқлар ижро этишга ҳаракат қиладилар. Болалар билан ишлайдиган моҳир педагоглар бунни, албатта, яхши илғайдилар. Шунга яраша, таълим муассасаларида байрамлар, тадбирлар ташкил этиб, ўқувчиларга уларнинг ёдида қоладиган лаҳзаларни тақдим этадилар.

Юртимизда баҳор фаслининг гуллар мавсуми палласи ниҳоялаб бораётган бўлса-да, унинг шукҳи, шодиенаси давом этмоқда. Аиниқса, таълим масканларида ўтказиладиган баҳорни тараннум этувчи турли кечалар, маданий тадбирлар бунинг яққол мисолидир.

Куни кеча пойтахтимизнинг Олмасор туманидаги 159-сонли ўрта мактабда “Баҳор қўшиқлари ва рақслари фестивали” мавзусида ажойиб тадбир ўтказилди. Унда Президентимиз томонидан илгари суртилган 5 та муҳим ташаббуснинг биринчиси сифатида ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш белгилангандан келиб чиқиб, ушбу вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида аҳамият берилган.

Мактаб рус тили таълимига иxtисослашган бўлиб, унда 1624 нафар ўқувчи таълим олади. Шу сабабли тадбир ташкилотчилари ўқувчиларда миллий қадриятларга ҳурмат руҳини янада кучайтириш мақсадида дас-

тур тузиб, шу асосда ўқувчилар иштирокини таъминладилар. Фестивалда мактабнинг биринчи синфдан тўртинчи синфгача бўлган истеъдодли ўқувчилари иштирок этишди.

Турли-туман гуллар билан безатилган тадбирлар зали баҳорий кайфият бағишлади. Атлас, дўппи кийиб олган қизчалар, оқ ятак, нимча кийган, белига белбоғ таққан болаларнинг “мана, мен ўзбек фарзандиман”, дегандек саҳнага чиқиб келишлари кўзларни, шубҳасиз, қувонтирди. “Доира”, “Дастурхон”, “Баҳор”, “Баҳор гуллари” каби қўшиқ ва рақслар жуда ажойиб тайёрланган. Беғубор нигоҳлар, катталарга, устозларга чексиз ҳурмат ва ишонч муҳрланган нигоҳлар инсонни ўз но-

мига масъулият билан муносиб бўлишга, болалар тарбияланаётган масканда уларнинг қалбига эзгулик уругини қадашга ундайди.

Кечада нафақат рус тилидаги шеър ва қўшиқлар, балки ўзбек миллий қўшиқларига мос рақслар ҳам ижро этилди. Шунингдек, турли халқларнинг миллий либосларида мусиқий чиқишлар намоёйиш этилди.

Томоша қилиш учун қирган ўқувчилар, устозлар, ўқувчи-ёшларнинг ота-оналари, меҳмонлар барча-барчасининг қалбига ушбу байрам дастури катта таассурот қолдирди. Чунки куй-қўшиқ одамларни бир-бирига яқинлаштиради, ёшларни ҳаётсевар, бир-бирига меҳрли, ота-она ва яқинларга эътиборли бў-

лишга ундайдиган катта кучга эга. Фестивалда нафақат ўзбек, балки қозоқ, қирғиз, рус тилларидаги қўшиқлар ҳам янгради. Бундан мақсад фарзандларимиз қалбига дўстлик, биродарлик каби фазилатларни ўстиришдан иборат.


— Бугунги миллий қўшиқ ва рақс фестивалида мактабимизнинг бошланғич синф ўқувчилари ўз чиқишлари билан иштирок этишди. Аввало, мусиқа ва рақснинг инсон кўнглини кўтарадиган, унга нафосат бағишлайдиган кучига таянишга ҳаракат қилдик. Ушбу фестивални мактабимизда ҳар йили ташкил этишни мақсад қилганимиз. Ўқувчиларнинг қизиқишини анча юқори, — деди таълим маскани директори Нодира Холмуродова.

Болаликнинг қалби улкан, фасли беғубор. Унга етган жароҳат ҳам, таассурот ҳам бир умрлик бўлиши мумкин. Шундай экан, болаларнинг болалигини, қалбини фақат қувончга, гўзал хотираларга тўлдириш керак. Токи бир неча йил ўтиб улгайганларида мактабни энг тоза хаёллар билан хотирласинлар, устозларни ҳурмат билан ёд этиб, ахтариб келсинлар.

Гулнора ШЕРМАТОВА

РАССОМ ХАНДАСИ

— Кечир, дўстим, ўтин керак.
Айтишларича, газ ёқсак, косамиз
оқармас экан...



Карикатура интернет тармоғидан олинди.

Hurriyat
Mustaqil gazeta



Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлар
уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан
руйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.
Баҳоси келишмаган нархда

Адади: 4 301
Буюртма — Г-444

1 2 3 4 5 6

Таҳририятга келган хатлар доимий
эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган
маълумотлар учун
муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташкilotлар
учун — 233

ISSN 2183-0680

Маъзилми: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер Э.Ёлғоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков, Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 00¹⁵